



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ТЕЛЕРАДИОКАНАЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Тошкент вилоятида амалга оширилаётган ислохотлар ва яратилаётган имкониятлардан аҳолининг хабардорлик даражасини кенгайтириш, шунингдек, ҳудуд тарихи, урф-одат ва анъаналари, бой табиати ва туризм салоҳиятини кенг тарғиб этиш ҳамда минтақада таъсирчан медиа макон яратишни қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон миллий телерадиоконмпанияси тизимида **Тошкент вилояти телерадиоканали — “Nurafshon TV”** (кейинги ўринларда — Тошкент вилояти телерадиоканали) ташкил этилсин.

2. Қуйидагилар Тошкент вилояти телерадиоканалининг **асосий вази­фалари** этиб белгилансин:

Тошкент вилоятининг ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва маданий-маърифий ҳаётида рўй бераётган ислохотлар, фаровонлик, тараққиёт ва бунёдкорлик йўлида **олиб борилаётган кенг қўламли ишлар** ҳамда **яратилган имкониятлар ҳақида аҳолини мунтазам хабардор қилиб бориш**;

жойларда ислохотларни амалга оширишга **тўсиқ бўлаётган омилларни кенг жамоатчилик муҳокамасига олиб чиқиш**, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда бошқа ташкилотлар фаолияти юзасидан **самарали ва таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатиш**;

аҳолининг сиёсий ва ижтимоий **фаоллигини ошириш**, уларда қатъий **фуқаролик позициясини шакллантириш**, сифатли давлат хизматларини кўрсатиш ва улардан самарали фойдаланиш масалаларини теле- ва радиодастур орқали ёритиш;

ҳудуднинг **тарихи, маданияти, санъати, адабиёти ва урф-одатлари, бой табиати, сўлим гўшалари ва туризм салоҳиятини** акс эттирувчи, уларни ўрганиш, асраб-авайлаш ва **кенг тарғиб қилишга йўналтирилган кўрсатув ва эшиттиришлар тайёрлаш**;

аҳолининг интеллектуал ва маданий савиясини ошириш, фуқароларнинг онгида **демократик қадриятларни мустаҳкамлаш**, ёшлар ва ўсиб келаётган авлодни **ватанпарварлик, умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш ва миллатлараро тотувлик руҳида тарбиялашни тарғиб қилиш**;

давлат ва нодавлат телерадиоконмпаниялар, ахборот агентликлари, шунингдек, халқаро ташкилотлар билан ахборот алмашиш бўйича самарали ҳамкорлиқни йўлга қўйиш.

3. Белгилансинки:

Тошкент вилояти телерадиоканали давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс ҳисобланади;

Тошкент вилояти телерадиоканали ўз теле- ва радиодастурлари билан **кечаю кундуз узлуксиз равишда эфирга чиқади**;

Тошкент вилояти телерадиоканали ходимларининг чекланган штатлари сони 69 нафар, шу жумладан, бошқарув ходимлари сони 4 нафардан иборат бўлади;

Тошкент вилояти телерадиоканалининг ташкилий тузилмаси **Ўзбекистон миллий телерадиоконмпанияси тизимидаги тегишли ташкилотларнинг тузилмасини мабуллаштириш ва**

мавжуд штатларни қисқартириш ҳисобига ташкил этилади;

Тошкент вилояти телерадиоканали ташкилий тузилмаси Ўзбекистон миллий телерадиоконмпанияси раиси томонидан тасдиқланади;

Тошкент вилояти телерадиоканали ходимларига Ўзбекистон миллий телерадиоконмпанияси тизимида фаолият юритаётган телерадиоканаллар ходимлари учун қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шарт-шароитлари татбиқ этилади.

4. Тошкент вилояти маъмурий маркази — **Нурафшон шаҳрида Тошкент вилояти телерадиоканали учун комплекс бино** (кейинги ўринларда — Объект) қуришга 1,3 гектар ер майдони ажратилганлиги ҳамда қурилиш бўйича лойиҳа-қидирув ишлари амалга оширилиб, лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

5. Тошкент вилояти ҳокимлиги (З.Т.Мирзаев) **Объектда қурилиш-монтаж ва унинг ҳудудида ободонлаштириш ишларининг сифатли бажарилишини таъминласин**. Бунда, оптик топали алоқа линияси қуришда “Ўзбек-телеком” АК техник шартлари инобатга олинсин.

6. Қурилиш вазирлиги (Б.И.Закиров) **Объект бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини давлат экспертизасидан ўтказсин ва қурилиш-монтаж ишларининг сифатли бажарилиши устидан давлат назоратини ўрнатсин**.

Давоми 2-бетда

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДАН — ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ САРИ

МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИКНИНГ ДЕМОКРАТИК ПРИНЦИПЛАРИ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

2016 йил 8 сентябрда миллий тараққиётнинг янги тамал тоши қўйилиб, мамлакатимизда янги давлатчиликнинг замонавий андозаси — юртни тубдан қайта қуришда, албатта, чорак асрлик ривожланишнинг ўта муҳим жиҳатларига асосий эътиборни қаратиш лозим эди. Президентимиз мустақилликнинг 30 йиллик байрамига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидан бундай қайд қилди: “Истиқлол йилларида юртимизда янги давлат ва жамият қуриш йўлида муҳим ишлар бажарилди. Қисқа муддатда мамлакатимиз Конституцияси ишлаб чиқилди. Замонавий давлатчилик асослари, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари шаклланди.



Давоми 3-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯДА ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР МАВЖУД

Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги муносабатлар анъанавий иттифокдошлик ва стратегик ҳамкорлик асосида ривожланмоқда. Давлат раҳбарлари ўртасидаги ўзаро ишонч ва дўстлик асосидаги муносабатлар икки мамлакат ўртасидаги яқинлашув жараёни, ҳамкорликнинг жадал ва муваффақиятли ривожланишининг пойдевори ва ҳаракатлантирувчи кучи бўлмоқда.

Шу маънода, Президент Шавкат Мирзиёевнинг Россияга ташрифи икки томонлама муносабатларнинг янги тарихида навбатдаги саҳифани очади.

Коронавирус пандемияси билан боғлиқ мураккаб давр давом этаётганига қарамаздан, икки давлат раҳбарларининг учрашуви арафасида қатор анъанавий тадбирлар ўтказилди. 16-17 ноябрь кунлари бўлиб ўтган II Ўзбекистон-Россия таълим форуми, 17 ноябрь кунги гибрид шаклда ташкил этилган II ҳудудлараро ҳамкорлик форуми, 18 ноябрь кунги видеоконференция шаклида ўтказилган медиа-форум бунга мисол бўлади.

Ушбу тадбирларнинг ўтказилиши Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги икки томонлама ва кўп қиррали ҳамкорлик янги даражага кўтарилганидан далолат беради.

Шу ўринда барча даражадаги ҳамкорликнинг амалий механизмларини алоҳида эслатиб ўтмоқчиман.

Парламентлараро ҳамкорлик механизми жадал ривожланмоқда. Юқори палаталар — Олий Мажлис Сенати ва Федерал Мажлис Федерацияси Ўзбекистон ўртасидаги сермахсул муносабатлар қаторида Қонунчилик палатаси ва Давлат Думаси ўртасидаги алоқалар ҳам самарали бўлмоқда.

Бундан ташқари, парламентлараро ҳамкорлик сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилиб, бугунги кунда партиялараро муносабатлар ва парламент мониторинги институтлари ўртасидаги ришталар ҳам мустаҳкамланиб бормоқда. Икки томонлама битимларнинг бажарилиши устидан биргаликда парламент назорати ўрнатилгани сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, таълим, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Давоми 2-бетда

Олег МАЛЬГИНОВ: ЎЗБЕКИСТОН — МИНТАҚАДАГИ ЭНГ ИШОНЧЛИ ШЕРИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Президентлик лавозимига қайта сайланганидан сўнг Россияга бўлажак илк ташрифи арафасида ЎЗА муҳбири Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Олег МАЛЬГИНОВ билан икки томонлама ҳамкорликнинг ўзига хос хусусиятлари, устувор ва келгуси йўналишлари ҳақида суҳбатлашди.

— Олег Сергеевич, руҳсатингиз билан суҳбатимизни Ўзбекистон — Россия муносабатларининг жорий ҳолати, сўнгги 5 йил мобайнидаги ривожланиш даражаси ҳақидаги фикрлардан бошласак.

— Албатта, бу жуда кенг қамровли мавзу. Айтиш керак, менинг кўп йиллик дипломатик фаолиятим давомида икки давлат ўртасидаги бундай сермазмун ўзаро муносабатни камдан-кам учратганман. Россия ва Ўзбекистон, деярли барча соҳаларда ўзаро ҳамкорлик ўрнатган. Айни пайт кўплаб келишувлар амалга оширилмоқда ва ҳамкорлик юқори суръатдаги фаоллашув босқичида. Ўзаро муносабатларнинг жадал юксалиши, бойиб бориши сўнгги беш йилда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев давлат раҳбарлигига сайлангандан сўнг юзгага келди. Шавкат Мирзиёев учун Россия билан муносабатларни ривожлантириш ташқи сиёсатдаги устувор

йўналишлардан биридир. Мамлакат етакчиси яқинда бўлиб ўтган инаугурация маросимидаги нутқидан ҳам бунини алоҳида таъкидлади.

Россия Федерацияси учун Ўзбекистон — Марказий Осиёдаги истиқболли ва муҳим шерик ҳисобланади. Ўзбекистон аҳолиси сони энг кўп давлат сифатида минтақада ҳал қилувчи роль ўйнайди, деб биламиз. Мамлакат демографик ўсиш бўйича улкан салоҳиятга эга. Бу ерда ёшлар кўпчилигини ташкил этади, улар фаол ва мунтазам олға интилмоқда. Ўзбекистон хавфсизлик, экология ва бошқа кўплаб муҳим масалаларни қўллаб-қувватлашда ҳам муҳим роль ўйнайди. Бизнинг Ўзбекистон билан муносабатимиз ҳамisha ўзаро ҳурмат руҳини ёқлаган. Биз миллатлараро ва динлараро адоватдан йироқмиз. Алоқалар фаоллашуви бой тарих ва улкан маданий яқинликка асосланган.

Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ МЕДИА ФОРУМИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Россия Федерациясига ташрифи арафасида 18 ноябрь кунини ОАВ соҳаси бўйича Ўзбекистон — Россия иккинчи медиа форуми бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ҳамда Россия Федерациясининг Рақамли ривожланиш, алоқа ва оммавий коммуникациялар вазирлиги ҳамкорлигида видеоконференц алоқа шаклида ташкил этилган мазкур тадбир икки мамлакатнинг ахборот соҳасидаги алоқалари қўламини кенгайтириш, медиа соҳаси вакилларининг ўзаро яқиндан танишуви, контент алмашиш ҳамда кадрлар тайёрлаш бўйича ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилди.

Давоми 4-бетда

Медиа форумда Ўзбекистон ва Россиянинг етакчи оммавий ахборот воситалари вакиллари, профессор-ўқитувчилар, талабалар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори Асаджон Ходжаев сўнгги йилларда Ўзбекистонда барча соҳаларда кенг қамровли ислохотлар амалга оширилаётганига алоҳида тўхталди.

— Биз ушбу қутлуг кунни тарихий даврда, яъни юртимизда улкан ўзгариш ва янгиланишлар содир бўлаётган пайтда нишонлаёмиз, — дейди Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Минҳожиддин Ҳожиматов. — Юртимиз байроғи дунёдаги энг кўркам ва энг чиройли байроқ. Чунки у бизнинг юрагимизга, мақсадларимизга, руҳиятимизга тутшиб кетган. Бу байроқ остида Ўзбекистонни севган барча инсонлар бирлашмоқда, Президентимиз даъватлари бугунги ҳаётимиз учун қанчалар муҳим эканини англаб етмоқда.

Тадбир давомида давлат байроғи қабул қилинган куннинг 30 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ зиёлилар, маърифат тарғиботчилари “Маънавият фидойиси” кўрак нишони билан тақдирланди.

Давоми 4-бетда

Ватанни мадҳ этувчи кўшиқ оҳангларига ҳамоҳанг майдонга кириб келган қорабайир отлар иштирокчиларнинг кайфиятини кўтариб юборди. Отлар устида адл ўтирган Миллий гвардия қўшинларининг қўлида ҳил-пираб бораётган юрт байроғи кўнгилларга янада равшанлик ва фахру ғурур бахш этди.

1991 йил 18 ноябрда, Ватанимиз эндигина истиқлолга эришган ғоят мураккаб ижтимоий-сиёсий шароитда давлат рамзларидан энг аввалгиси бўлиб миллий байроғимиз тасдиқлангани мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида қўйилган муҳим қадам бўлди. Ўтган ўттиз йил давомида кенг нишонлаб келинаётган ана шу тарихий сана маънавий ҳаётимиздан мустаҳкам ва муносиб ўрин олди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ТЕЛЕРАДИОКАНАЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

7. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси (**А.Ж.Хаджаев**) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (**А.М.Бобоев**), Молия вазирлиги (**Т.А.Ишметов**), Тошкент вилояти ҳокимлиги (**З.Т.Мирзаев**) билан биргаликда объект қурилишини ташкил этиш ва жадаллаштириш, замонавий студия комплекси ва кўчма телевизион станция учун талаб этиладиган маблаглар 2022-2023 йиллар ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига киритилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ва Тошкент вилояти телерадиоканалини технологик жиҳозлаш учун белгиланган тартибда тасдиқланган рўйхатларга мувофиқ олиб кирилаётган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган импорт товарлар — мультимедиа, радиотелевизион ускуналари, материаллар, дастурий таъминот ва эҳтиёт қисмлари **2024 йил 1 январга қадар божхона божидан озод қилинсин**.

9. Объект фойдаланишга топширилгунга қадар: а) Тошкент вилояти ҳокимлиги (**З.Т.Мирзаев**) вилоятда рўй берадиган кунлик воқеа-ходисаларни тезкор ёритувчи ва ҳудудда ишловчи телерадиоканалнинг ижодий ходимларига шарт-шароит

яратсин ва уларга вақтинчалик фойдаланиш учун текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида етарли хоналар ажратсин;

б) Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси (**А.Ж.Хаджаев**):

Тошкент вилояти телерадиоканалини Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясига тегишли биноларга вақтинча текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирсин, зарур бўлган бирламчи воситалар билан жиҳозласин ва ижодий-техник ҳодимлар ишлаши учун етарли шароит яратсин;

Тошкент вилояти телерадиоканали фаолияти “Toshkent” телерадиоканали эфбири билан параллел равишда олиб борилишини ташкил этсин;

Тошкент вилояти телерадиоканалининг илмий, лейбли, видеолавҳалари каби асосий таниқлик белгиларини ишлаб чиқсин;

ижодий-техник гуруҳ тузган ҳолда Тошкент вилояти телерадиоканали эфирда Тошкент вилоятининг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётига оид бўлган воқеа-ходисаларни ёритиб борувчи асосий кундалик информацион дастурни тайёрлаб босин;

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси тизимидаги радиоканалларнинг бирида Тошкент вилояти билан боғлиқ бўлган воқеа ва ҳодисаларни ёритиб бориш учун алоҳида эфир вақти ажратсин. Белгилансинки, Тошкент вилояти телерадио-

канални малакали кадрлар билан таъминлаш, заруратга қараб, босқичма-босқич амалга оширилади.

10. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (**Ш.Х.Шерматов**) Ўзбекистон миллий телерадиоканалини (**А.Ж.Хаджаев**) билан биргаликда 2022-2023 йиллар давомида:

Тошкент вилояти телерадиоканали эфир сигналин рақамли телевидениенинг умумий фойдаланиладиган ижтимоий пакетиди Тошкент вилояти ҳудудига ўтлиқ етказсин;

Тошкент вилояти телерадиоканалининг радио йўналиши учун алоҳида частота ажратиш ва радио фаолиятини олиб бориш учун техник шароит яратсин.

11. Молия вазирлиги (**Т.А.Ишметов**) **2022 йилдан бошлаб**, Тошкент вилояти телерадиоканали фаолиятини ҳамда телевидение ва радиозёштитириш дастурлари сигналларини узатиш ва тарқатиш хизматларини молиялаштириш учун Давлат бюджетни параметрларида зарур маблагларни назарда тутсин.

12. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ёшлар иттифоқи, Қишлоқ ҳўжалиги вазирлигининг: “Yoshlar”, “Navo” ва “Kinoteat” телеканаллари ихтисослаштирилган реклама хусусиятига эга бўл-

ган канал сифатида фаолият кўрсатишига рухсат бериш;

“Ўзбекистон” телерадиоканалида **“Қишлоқ ҳўжалиги” тахририятини** ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Бунда:

“Yoshlar”, “Navo” ва “Kinoteat” телеканаллари томонидан умумэътироф этилган ахлоқий меъёрларга риоя қилиш, миллий урф-одатлар, тарихий ва маънавий меросни қадрлаш, фуқароларнинг онгиди демократик қадриятларни шакллантириш, ёш авлодни ватанпарварлик, Ватанга муҳаббат ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга қаратилган телевизион дастурлар тайёрлашга эътибор қаратилсин;

Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги (**Ж.А.Ходжаев**), Ветеринария ва қорвчиликни ривожлантириш давлат қўмитаси (**Б.Т.Норқобилов**), Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси (**Б.Қ.Ша-рипов**), Ўзбекистон миллий телерадиоканалини

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2021 йил 18 ноябрьЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯДА ЎЗАРО МАНФААТЛИ
ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҚАМЛАШ УЧУН
КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР МАВЖУД

Ботиржон АСАДОВ,
Ўзбекистоннинг Россия Федерациясидаги
Фавқуллодда ва мухтор элчиси

Бошланиши 1-бетда

Давлат раҳбарларининг ташаббуси билан икки томонлама ҳукуматлараро ҳамкорлиқнинг ноёб механизми шакллантирилди ва у ўзининг самарадорлигини намоён этмоқда.

Бу қўйилган уч босқичдан иборат:

Биринчиси — бу ҳукумат раҳбарлари даражасидаги қўшма комиссия. Мазкур комиссиянинг 2-йигилиши 2021 йил 22 июнь куни Москва шаҳрида бўлиб ўтди.

Иккинчиси — Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия (ИХҚ). ИХҚнинг 22-йигилиши жорий йил 27 октябрь куни Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари, инвестициялар ва ташқи савдо вазир Сардор Умуրзоқов ва Россия Иқтисодий ривожланиш вазир Максим Решетников раислигида Москвада ташкил этилди.

Учинчи босқич — бу соғлиқни сақлаш, маданият, энергетика, қишлоқ ҳўжалиги каби тўққизта йўналишда ташкил этилган комиссиялар. Ҳукуматлараро ҳамкорлиқнинг шаклланган механизми мамлакатларимиз раҳбарлари томонидан, жумладан, биз, дипломатлар зиммасига юклатилган барча вазифаларни ҳал этиш имконини берувчи муваффақиятли восита сифатида ўзини намоён этмоқда.

Россия Ўзбекистоннинг етакчи савдо-иқтисодий ҳамкорларидан бири ҳисобланади. Сўнгги уч йилда Россия билан савдо айланмасининг ўсиш суръати 60 фоизни ташкил этди. Бу кўрсаткичнинг яқин келажакда икки баробарга ошириш бўйича имконият тақдим этмоқда. Давлатларимиз раҳбарлари олдимизга қисқа вақт ичида ўзаро товар айирбошлаш ҳажминини 10 миллиард долларга етказишдек муҳим вазифани қўйди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, агар товар айланмаси ўсишининг ижобий динамикасини ўш суръатда давом этса, 2024-2025 йилларга бориб, ушбу эзгу мақсадга эришамиз. Бу борадаги асосий вазифа импорт ва экспортнинг паритет мувозанатини таъминлаган ҳолда, савдо айланмасини оширишдан иборатдир.

Ўзбекистон экспорт таркибидида юқори қўшимча қий-матга эга бўлган маҳсулотлар улушини оширишда саноат кооперацияси муҳим ўрин тутайди.

Саноат соҳасидаги қўшма лойиҳалар ва дастурларни илгари суриш бўйича тизимли ишларни йўлга қўйиш мақсадида 2020 йил август ойда Ўзбекистон инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Россия саноат ва савдо вазирлиги ўртасида Лойиҳа офиси ташкил этилди.

Сўнгги йилларда ҳўжалик юритувчи субъектлар сони сезиларли даражада кўпайди. Ўзбекистонда Россия капитални иштирокчида корхоналар сони сўнгги тўрт йил ичида икки баробар ошди ва бугунги кунда Россиялик табиқорлар сармоси кўмағида ташкил этилган 2 минг 260 корхона мавжуд. Бундан ташқари, 2020 йил пандемия даврида Ўзбекистонда Россия капитални асосида 307 корхона қўйилган. 2014-2020 йилларда ўзлаштирилган Россия инвестициялари ҳажми 10,4 миллиард долларни ташкил этди.

Ўзбекистон ва Россия нафақат ҳукуматлар, балки ҳудудлар даражасида ҳам яқин ҳамкорлик ўрнатган. Таъкидлаш керакики, Россия ва Ўзбекистон ҳудудлари ноёб имкониятларга эга. Ушбу минтақаларнинг ҳар бирида ўзаро манфаатли алоқалар учун қўлпаб имкониятлар

мавжуд. 2018 йил октябрь ойда Россия Президентининг республикамизга ташрифи доирасида Тошкентда Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ҳудудлараро ҳамкорлиқнинг биринчи форуми ўтказилди. Иккинчи форум, юқорида айтиб ўтилганидек, жорий йил 17 ноябрь куни Москвада бўлиб ўтди.

Форум икки мамлакатнинг ҳам кичик, ҳам йирик бизнес вакиллари учрашишига имкон берувчи воситага айланди. Натижада миллиардлаб долларлик амалий шартномалар имзоланмоқда. Форум тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ҳамкорлиқни кенгайтиришга ҳам ердан бермоқда. Ушбу воситанинг пайдо бўлишдан олдин алоқаларимиз, асосан, йирик бизнес даражасида ривожланаётган эди. Пандемия шароитига қарамадан, ҳудудлар раҳбарлари бошчилигидаги бизнес-миссияларнинг ўзаро ташрифлари давом этаётганини мамнуният билан қайд этиш керак. Вилоятлар ва тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги видеоконференциялар тез-тез ўтказилиб турилди. Бу эса, эришилаётган натижалар сифатида ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Элчихона ходимлари Россия ҳудудларида тез-тез бўлиб турибди. Хусусан, сўнгги икки йил мобайнида ўзбек дипломатлари Россиянинг 30 дан ортиқ минтақасига сафар қилди. Ушбу учрашувлар натижасидан ҳулоса қилиб айтиш мумкинки, Россия Федерациясининг ҳар бир минтақасида ҳамкорлик учун улкан салоҳият мавжуд ва улар Ўзбекистон ҳудудлари билан қўлпаб ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга ошириши мумкин. Бу нафақат иқтисодийёт, балки маданият, спорт ва таълим соҳаларига ҳам тегишлидир.

Ўзбекистон учун 2021 йилдаги энг муҳим йўналишлардан бири таълим тизимини ҳар томонлама ривожлантириш ҳисобланади. Россияда узоқ тарих, таъриба ва юқори илмий салоҳиятга эга етакчи университетлар бор. Бу эса, мамлакатларимиз ўртасидаги гуманитар алоқаларни ривожлантириш учун улкан имкониятдир. Биз ёшларимизни ўқув дастурлари, жумладан, Россия олий билим юртлири ўқув дастурлари билан кенг қамраб олишдан манфаатдоримиз. Россия университетлари филиаллари мамлакатимиз халқ ҳўжалигини юқори малакали мутахассислар билан таъминлашга муносиб ҳисса қўшади.

Агар 2016 йилгача Ўзбекистонда Россиянинг 3 та олий билим юрти филиали фаолият юритган бўлса, бугун уларнинг сони 15 тага етди. Шу ўринда, Россиянинг қуйидаги етакчи олий ўқув юртлири Ўзбекистонда ўз филиалини очганини қайд этиш керак: Москва давлат халққаро муносабатлар институти (университет), Миллий технология тадқиқотлар университети, Москва муҳандислик-физика институти, Москва энергетика институти, Д.Менделеев номидида Россия кимё-технология университети, Россия давлат жисмоний тарбия, спорт, ёшлар ва туризм университети ва бошқалар.

Республикаимизнинг 34 та олий ўқув юртида 48 та Россия олий ўқув юрти билан ҳамкорликдаги ўқув дастурлари асосида мутахассислар тайёрланмоқда.

Россиянинг етакчи университетларининг филиалларини очиб орқали олий таълимнинг энг юқори стандартларини таъминлашга интилиш амалга оширилмоқда. Ўзбекистон билан Россия ўртасида маданий алоқалар барча даражада ривожланиб бормоқда. Булар маданий алмашинувлар, музей экспозицияларининг ўзаро ташкил этилиши, икки мамлакат театрлари ва эстрада иккочиларининг гастрол сафарлари, кинематография соҳасидаги қўшма лойиҳаларни қамраб олади. Туризмнинг ривожланиши ўзаро маданий алмашинувлар даражасининг ошишига ердан бермоқда. Бу эса, юз минглаб ва миллионлаб кишилар ўртасидаги алоқаларни ўрнатиш, бир-бири билан яқинроқ англашга хизмат қилмоқда.

Биз Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги янги ҳамкорлик уфқларининг баъзи жиҳатларига тўхталдик. Элчихонанинг келгусидаги фаолияти икки томонлама ҳамкорлиқни жадаллаштиришга қаратилган бўлиб, эришилган келишувларни ҳаётга татбиқ этиш ва ишга солинмаган салоҳиятни тўла рўёбга чиқариш бўйича саъй-ҳаракатлар янада фаоллаштирилади. Зеро, Дипломатик алоқалар бўйича Вена конвенциясига мувофиқ, нафақат вакиллик функцияларини бажариш, балки кундалик фаолият, яъни мамлакатлар ўртасидаги дўстлик муносабатларини рағбатлантириш, уларнинг иқтисодийёт, маданият ва илм-фан соҳасидаги алоқаларини ривожлантириш дипломатия миссиясининг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

“Дунё” АА

Бошланиши 1-бетда

Тўғри, биз ҳар биримиз ўзимизча мустақил, турлича, чуқур ўтмишда шаклланган халқларимиз, бироқ биз бир-биримизга яқинимиз. Шу боис, ҳозир ўзаро муносабатларимиз янада ривожланмоқда. Албатта, бунинг омилларидан бири — Президентларимиз ўртасидаги ўзаро ишонч асосига қўрилган муносабатдир. Таълим, савдо, саноат ишлаб чиқариш соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Давлатларимиз ўртасида маданий алоқалар йўлга қўйилган.

— **Маълумки, Россия ва Ўзбекистон — ишончли, вақт синовидан ўтган дўст, иттифоқчи ва стратегик шериклар, бунинг сиз ҳам ҳозиргина таъкидладингиз. Бугунги кунда мамлакатларимиз қўлпаб йўналишларда яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда. Сизнингча, томонлар кўпроқ қайси соҳа ва тармоқларни устувор ёки муҳимроқ, деб қарамоқда ва нима учун?**

— Биз халққаро вазиятни ривожлантириш бўйича бир хил стратегик қарашга эгаимиз. Шу нуқтаи назардан, сиёсий йўналишдаги шериклик устувор аҳамият касб этади.

Икки томонлама маслаҳатлашувлар ўтказилди, жумладан, МДҲ ва ШҲТ доирасида ҳам. Ўзбекистон ШҲТ раислигини қабул қилди, энди биз бу йўналишда ҳам янада яқин ва самарали ҳамкорлик қиламиз. Ташкилот янада ривож топиб, нафақат ўз доирасида, балки ташқаридаги вазиятга ҳам барқарор таъсир кўрсатишига умид қиламиз.

Мамлакатларимиз БМТ доирасида ҳам яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда. Қўлпаб маслаҳатлашувлар, икки томонлама учрашувлар ўтказилмоқда. Дунёнинг деярли барча давлатлари БМТга аъзолиги ҳамда универсал стандарт ва тамойиллар тўзлима асосини ташкил этгани боис, ушбу ташкилот етакчи роль ўйнашда давом этиши керак, деб ҳисоблаймиз.

Биз ЕХҲТ доирасида ҳам ўзаро ҳамкорлик, Ўзбекистон Евроосиё иқтисодий иттифоқида кузатувчи макомини олган, муносабатимиз янада фаоллашди. Ўзбекистон ушбу иттифоқни янада мустақамлашга хизмат қиладиган муҳим тақдирларни илгари сурган ҳолда, мазкур ташкилотнинг келгуси ривожини учун амалий саъй-ҳаракатлар билан ташаббускорлик кўрсатаётганини қайд этамиз.

Биз, шунингдек, хавфсизлик соҳасида ҳам ҳамкорлик қилиб келаямиз. Афғонистондаги воқеалардан сўнг Марказий Осиё минтақаси хавфсизлигига ҳавф ва таҳдидлар кунайди. Бу бевосита бизга ҳам тааллуқли, чунки беқарорлик, экстремизм ёки террористик қарашлар кенгроқ тарқалиб кетиши мумкин. Шунинг учун айни масалада биз билан ҳамкорлик қилиб, ушбу таҳдидларни тўхтатиш учун барча имкониятларни ишга солаётгани учун Ўзбекистон раҳбариятидан миннатдоримиз. Бизнинг келгусида Афғонистон муаммосини ҳал этиш масаласига ёндашувимиз мутлақо бир хил — бу масала қўшилар ҳисобига эмас, мамлакат ичида ҳал қилиниши керак.

Ўзбекистон раҳбарияти Афғонистон билан боғлиқ тақдим этаётган иқтисодий лойиҳаларни ҳам биз маъқуллаймиз. Зеро, бу инсонларнинг яшашини, ўз оиласини боқиши учун иш ва маблағ топишига кўмаклашади. Умуман олганда, мамлакат ташқи сиёсати барча давлатлар билан муносабатларни ривожлантиришга қаратилган. Бу Ўзбекистон мустақил ташқи сиёсат юритаётганидан далolat.

Албатта, ҳар қандай мамлакат билан муносабат замирида иқтисодий ҳамкорлик ётади. Биз савдо-сотиқ бўйича яқин шерикларимиз. Бу йўналиш пандемия даври қийинчиликларига қарамай, фаол ривожланди. Шунингдек, инвестициявий ҳамкорлик ҳам жадал тус олган: ҳозир юздан зиёд истиқболли лойиҳа амалга оширилляпти. Бу лойиҳалар рўйхати мунтазам кенгайиб бормоқда. Маълум бир лойиҳани амалга ошириш йўли, ишни тезлаштириш ёки режага қўшимча киритиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилмоқда.

Шунингдек, солиқ, божхона тизими каби алоҳида тармоқлар бўйича ҳам ҳамкорли-



гимиз бор. Ҳозирги кунда темир йўл транс-порти, шунингдек, “Ўзбекистон — Россия” агроэкспрессини ишга тушириш ва бошқа режалар бўйича қишлоқ ҳўжалиги тузилмалари ўртасида мулоқот олиб боришмоқда. Иқтисодий ҳамкорлиқнинг ўсиши муҳокама қилинади, албатта. Ушбу ташриф доирасида вазирлар, турли агентликлар, сиёсий муассасалар вакиллари томонидан имзо-ланадиган қатор ҳужжатлар тайёрланмоқда. Бу ҳужжатлар ўзаро ҳамкорлиқни янада мустақамлашга хизмат қилади. Президентлар даражасида ҳам Россия, ҳам Ўзбекистон давлат жамияти учун ҳўжалиги тузилмалари йўналишларини ишлаб чиқиш ва белгилаш бўйича комплекс кўрсатма ишлаб чиқишини қўтилмоқда. Ғоялар жуда кўп. Бу борада раҳбариятнинг ҳам, фуқароларнинг ҳам истаги бир. Асосийси, лойиҳалар натижаларда акс этиши лозим.

— **Олег Сергеевич, бундай масъулият-ли лавозимга тайинланишдан олдин сизни Ўзбекистон билан қандай алоқалар боғлаб турган ва шу қисқа давр ичида юртимиз ҳақидаги фикрингиз қай даражада ўзгарди? Умуман, дипломат сифатида ўз фаолиятингизга ва оддий инсон сифатида Ўзбекистонга, унинг халқига муносабатингиз қандай?**

— Мен 42 йилдан буён шу соҳада меҳнат қиламан. Бу менинг элчи сифатидаги сўнгги хизмат сафарим бўлиши мумкин. Мен сўнгги хизмат сафари учун жойини ўзим танладим, анкироги, Тошкентга келишни жудаям хоҳладим. Маълумотим шарқшунос бўлгани боис, Жанубий Осиё ва қисман Марказий Осиё тарихи билан шўғулланганман. Ҳиндистонда яшадим, Бангладешда ишладим. Ҳинд тили, тарихи, маданиятини ўрганиш жараёнида Ўзбекистон билан ҳам дуч келганман. Ҳиндистонда буюк салтанат барпо этган Бобур Андижонда туғилиб ўсган. Ўзбекистонда асрлар мобайнида шаклланган цивилизация манбалари ҳам менга таниш. Мен Шарқни — донишмандлик, улкан ва бой маданий мерос макони, келажакни кенг қамровли кўра олувчи инсонлар яшайдиган юрт, деб ҳисоблайман. Бундан ташқари, ўзбек замини дунёга буюк олимлар, математиклар, мутафаккир ва шoirларни тарбиялаган. Улар асрлар оша кишиларга инсонпарварлик сабабини бериб келмоқда. Бу ердан меъморий ёдгорликларни айтмайсизми?! Самарқанд, Бухоро, Хива!.. Ўтган асрнинг 60-70 йилларида мактабда ўқиб юрган кезларимда бу жойлар ҳамма тенгқўларимга таниш эди. Регистон, Арк ва Ўзбекистоннинг бошқа кўплаб диққатга сазовор жойлари тасвирланган марказий йиққанми ҳам эсимда. Афсуски, ҳозир Ўзбекистоннинг туристик салоҳияти, мислсиз маданий гўзаллиги ҳақида Россия ёшлари кўп маълумотга эга эмас. Менимча, ўзбек ёшлари ҳам бугунги Россия ҳақида ҳам билади.

Халқро муносабатлар институтида ўқиб юрган кезларимда, гуруҳимизда кўплаб ўзбек талабалари тахсил оларди. Улар байрам ёки таътил пайти Тошкентга келиб, қайтишда қовун ёки бошқа ўзбек замани нёзматлари олиб келишини биз ҳар сафар қутардик. Бу барча-мизга қувонч уларди. Қисқаси, жуда ёқимли хотиралар...

Бу ерда меҳнат қилиш менга жуда қулай. Биз, фикримча, Ўзбекистон ва Россия халқига фойдаси тегадиган иш билан шўғулланаямиз. — **Олег Сергеевич, сермазун суҳбатингиз учун катта раҳмат. Сиз билан бўла-жак келингн учрашувни сабрсизлик билан кутиб қоламиз.**

— **Табиийки, давлат раҳбарларининг ташрифлари ёки учрашувлари ҳамиша ҳамкорлиқни ривожлантириш ва ўзаро**

(**А.Ж.Хаджаев**), аграр ва озиқ-овқат соҳасининг бошқа ташкилотлари қишлоқ ҳўжалигидаги исо-лхотлар, экин экиш ва парваришлаш агротехни-каси, ер ва сувдан оқилна фойдаланиш, чорва-чилик, ветеринария, балкичилик, пиллачилик, паррандачилик, асаларичилик, боғдорчилик, саб-завотчилик ва иссиқхона ҳўжалиги каби масала-лар бўйича “Қишлоқ ҳўжалиги” тахририяти томо-нидан телерадиомаҳсулотлар тайёрланиши ва эфирга узатилишига кўмаклашсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини самарали таш-кил қилишга масъул ва шахсан жавобгар этиб Ўзбекистон миллий телерадиоканалини раиси **А.Ж.Хаджаев** ҳамда Тошкент вилояти ҳокими ва-зифасини бажарувчи **З.Т.Мирзаев** белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини му-вофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари **А.А.Абдухакимов** зиммасига юклансин.

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2021 йил 18 ноябрьОлег МАЛЬГИНОВ:
ЎЗБЕКИСТОН — МИНТАҚАДАГИ
ЭНГ ИШОНЧЛИ ШЕРИК

манфаатли муносабатларни янада кенгайтиришга қаратилади. Ўзбекистон ва Россия Президентларининг навбатда-ги музокаралиридан қандай натижалар қутиляпти?

— Пандемия туфайли юзга келган қийинчиликларга қарамай, Президентлар ўртасидаги мулоқот ҳар доимидек ишончли ва очик бўлади. Бу мулоқот барча муаммоларни, жумладан, жаҳондаги ҳозирги вазиятни ҳам қамраб олади. Бу борада зиддият қучай-моқда, хусусан, Россия Федерацияси ўзининг ғарбий чегарасидаги зиддиятларга эътибор қаратмоқда. Иқтисодий ҳамкорлиқнинг ўсиши муҳокама қилинади, албатта. Ушбу ташриф доирасида вазирлар, турли агентликлар, сиёсий муассасалар вакиллари томонидан имзо-ланадиган қатор ҳужжатлар тайёрланмоқда. Бу ҳужжатлар ўзаро ҳамкорлиқни янада мустақамлашга хизмат қилади. Президентлар даражасида ҳам Россия, ҳам Ўзбекистон давлат жамияти учун ҳўжалиги тузилмалари йўналишларини ишлаб чиқиш ва белгилаш бўйича комплекс кўрсатма ишлаб чиқишини қўтилмоқда. Ғоялар жуда кўп. Бу борада раҳбариятнинг ҳам, фуқароларнинг ҳам истаги бир. Асосийси, лойиҳалар натижаларда акс этиши лозим.

— **Олег Сергеевич, бундай масъулият-ли лавозимга тайинланишдан олдин сизни Ўзбекистон билан қандай алоқалар боғлаб турган ва шу қисқа давр ичида юртимиз ҳақидаги фикрингиз қай даражада ўзгарди? Умуман, дипломат сифатида ўз фаолиятингизга ва оддий инсон сифатида Ўзбекистонга, унинг халқига муносабатингиз қандай?**

— Мен 42 йилдан буён шу соҳада меҳнат қиламан. Бу менинг элчи сифатидаги сўнгги хизмат сафарим бўлиши мумкин. Мен сўнгги хизмат сафари учун жойини ўзим танладим, анкироги, Тошкентга келишни жудаям хоҳладим. Маълумотим шарқшунос бўлгани боис, Жанубий Осиё ва қисман Марказий Осиё тарихи билан шўғулланганман. Ҳиндистонда яшадим, Бангладешда ишладим. Ҳинд тили, тарихи, маданиятини ўрганиш жараёнида Ўзбекистон билан ҳам дуч келганман

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДАН — ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ САРИ

МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИКНИНГ ДЕМОКРАТИК ПРИНЦИПЛАРИ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ



Карим НОРМАТОВ, профессор

Бошланиши 1-бетда

Мамлакатимиз мустақиллиги ва суверенитети, сарҳадларимиз дахлсизлигини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган Қуролли Кучлар барпо этилди. Миллий валютамиз — сўм жорий қилинди, олтин-валюта захираларимиз шакллантирилди. Қадимий тарихимиз, бой маданий меросимиз, миллий-диний қадриятларимиз, ўзлгимиз тикланди.

Мухтасар айтганда, кўпни кўрган халқимиз ўзининг мустақкам иродаси ва матонати, бекиёс салоҳиятини намоён этиб, тарихан қисқа фурсат ичида улкан тараққиёт йўлини босиб ўтди. Ватанимиз жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллади.

Мана шундай буюк тарихий жараёнларда фаол иштирок этиш насиб қилгандан кўпчилик ватандашларим қатори мен ҳам бахтиёрман.

Дарҳақиқат, айтиш кераки, давлатчиликнинг демократик тамойили универсал ҳолат бўлиб, бошқа мамлакатларда қандай бўлса, бизда ҳам шундай бўлиши керак, деб тушуниш нотўғридир. Яъни уни вуқудга келтирадиган, шакллантирадиган ижтимоий, иқтисодий, маънавий-сиёсий, тарихий, географик, геостратегик шароитлар турли халқлар ва давлатларда ҳар хил бўлади. Демак, тараққиёт жараёнлари миллат руҳиятидан келиб чиқади. Мамлакатнинг, аҳолининг ривожланиш даражаси асосига қараб миллий давлатчиликнинг демократик тамойиллари шаклланиб боради.

Ҳар бир халқ демократияни ўз менталитети, кўникмалари, қадриятларига муносиб тарзда у ёки бу даражада ҳаётга жорий қилади. Умуминсоний моҳият ва мазмунга эга бўлган тамойиллар ҳар бир давлатнинг, халқнинг тараққиёт даражаси, бошқарув тизими, сиёсий муҳити ҳамда ижтимоий онгининг фаоллиги билан боғлиқ ҳолда жорий қилинади. Худди шу ва бошқа ижтимоий ривожланиш суъратларини белгиловчи омиллар таъсирида давлатчиликнинг демократик принципларини жорий қилиш суъратлари жадаллашиши ёки сустлашиши мумкин. Демак, демократияни юқоридан мажбуран жорий этиш мумкин эмас! Демократия — халқ ижоди, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги натижасида қўлга киритиладиган бошқарув тизими. Демократия доимо халқ оммасининг фаол ҳаракати, ўз ҳуқуқлари, эҳтиёжларини қондириш учун олиб борган машаққатли курашлари, фаол меҳнати натижасида қўлга киритилган.

Ҳар бир давлатда демократик тамойилларни ҳаётга жорий қилиш турли йўллар воситасида амалга оширилган. Лекин унинг асосий талаби ва омили доимо шахсининг ҳуқуқ ва эркинликлари, шу жумладан, эркин фикрлаш ҳамда мулоҳазаларини эркин баён қилиш ҳуқуқини таъминлашдир. Бундай ҳолатда ҳар қандай давлатда демократик жараёнларни амалга ошириш муайян муддат талаб қилади. Авваламбор, демократиянинг ҳуқуқий асослари барпо қилиниши шарт. Ушбу жараёни сунъий равишда жипслаб туриш ҳам, суъратларини жадаллаштириш ҳам ижобий натижа бермайди. Таъкидлаш жоизки, ҳақиқий демократик жамият пастдан, яъни фуқароларнинг эълари ўз эҳтиёжлари ва талаблари, ҳуқуқ ҳамда эркинликлари учун курашиш кўникмасини ташкил этиб, унинг фаоллари бирлашган қасаба уюшмалар, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат ташкилотлари томонидан ифода қилинган қонун шаклида асосланса, халқ манфаатларини қўлаб қўлайт кўрсата олади.

Демократик ҳуқуқий йўлни танлаб, ривожланиётган янги Ўзбекистон учун инсоният тарихининг турли давларларида демократик давлатларнинг шаклланиши ва амалиётини таҳлил қилиши, қиёсий ўрганиши муҳим аҳамиятга эгадир. Яъни дунё давлатлари демократияга маънавий-маърифийлашган жамиятга хос тамойиллар билан муносабатда бўлиши ва баҳолаш маданиятини эгаллаши, ҳатто баъзи манфаатлардан воз кечиши ҳам мумкин. Масалан, бизда ҳаёт кечириш Ғарб турмуш тарзига мос бўлса ва уни тарғиб этса — демократия, унга тўғри келмаса — демократия эмас, деб қараш бир томонлама ёндашув ҳисобланиб, ўзини қадрлаган, ҳурмат қилган халқимиз учун ҳавфли ҳамда таҳдидли бир ҳолатдир. Турли халқлар, турли маданиятлар, улар манфаатларининг ёнма-ён яшashi, яшай олиши фақат ҳақиқий миллий демократик шароитдагина амалга ошади. Буни биз кўп миллатли мамлакатимиз миқёсида аққол қўриб турибмиз!

Ҳозирги пайтда тараққий этган давлатлар демократик жараёнларни қафолатловчи омилларга эга. Янги Ўзбекистон ўз демократик тамойиллари билан фаол давлатга айланмоқда. Шу ўринда ҳуқуқий демократиянинг сохта демократиядан фарқини англаш билан боғлиқ фуқаролик маданиятига эга бўлиш, демократия ниқоби остидаги “демократик уйинлар”, қарашлар, қишларга эргашмаслик, тақлид қилиш ёки қилмасликнинг қайси миллий манфаатга тўғри келиши ёки келмаслигини қиёслаб кўришга етадиган уйғоқ онг ва тафаккурга эга бўлиш, аҳолининг асосий қисми демократияни чуқур англаши, яъни унга бефарқ бўлмаслиги, демократик онг ва маданият юксак савияда бўлиб, дунё ва миллий тараққиёт талабларидан орқада қолмаслиги керак, деган мулоҳазадамиз.

Дунёда авж олаётган диний экстремизм ҳам, терроризм ҳам инсоният учун асосий хавф-хатар манбаидир. Жаҳон давлатларининг унга қарши кўядиган, унинг ҳақиқий сабабларини бартараф этадиган имкониятлари жуда бисёр. Уни жамоавий онг ва тафаккур билан боғлаб тушунишга уриниш ҳам, ислом динига эътиқод қиладиган халқларга хос менталитет билан боғлаб, ислом дини тўғрисида дунё жамоатчилигида бир томонлама ноҳили тасаввур уйғотишга ҳаракат қилиш ҳам асосли эмас, деб қатъий айта оламиз! Тўғри ва ҳақиқий ғояни фақат миллий давлатнинг демократик қарашлари орқали амалга ошириш мумкин.

Миллий ҳуқуқий ғоя ва ҳуқуқий онг ҳамда анъаналар, урф-одатлар турмуш тарзи асосида шаклланади. Одамлар умумқадриятлар даражасига кўтарилган миллий манфаат атрофида онгли равишда ҳамда ақл-идрок ғояси асосида жипслашади. Натижада ушбу интилишлар мажмуи миллий ғоя орқали миллион-миллион кишиларни ўз ортидан эргаштиради. Президент Шавкат Мирзиёевнинг қатъий таъкидига кўра: “Замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғоя, инновацияга таянган давлат ютади”.

Шу ўринда бу борада Президентимизнинг эски ғоявий қарашларга нисбатан айтган ва ҳозирги миллий тараққиётимиз равнақи учун ниҳоятда

“**Янги Ўзбекистонни барпо этиш — бу шунчаки хоҳиш-истак, субъектив ҳодиса эмас, балки туб тарихий асосларга эга бўлган, мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий вазиятнинг ўзи тақозо этаётган, халқимизнинг асрий орзу-интилишларига мос, унинг миллий манфаатларига тўла жавоб берадиган объектив заруратдир.**

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



устувор ҳисобланган янги ғоявий тамойилни келтирамиз: “Биз кўп йиллар давомида амал қилиб келинган **“давлат — жамият — инсон”** тамойилини ўзгартирдик. Мамлакатимизда **аввало, инсон, кейин эса жамият ва давлат манфаати барча ҳаракатларимизнинг негизига қўйилди, ҳаётимизда “Давлат — инсонлар учун”** деган халқчил ғоя изчиллик билан қарор топиб бормоқда”. Бу халқчил ғоя, ўз моҳиятига кўра, миллий тараққиётимизда инқилобий ўзгариш ясаб, янги Ўзбекистоннинг таълимотига айланмоқда.

Президентимизнинг таъкидлашича, “Миллий тараққиётимизнинг бугунги янги босқичида **ичкам, профессионал, халқимиз талабларига жавоб берадиган, адолатли, юқори натижадорликка хизмат қиладиган давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш муҳим вазифа бўлиб турибди**”. Демак, ҳаётимиз ва умумий хонадонимиз ҳамда миллий манфаат ва қадриятларимиз, умумэтироф этилган давлат бошқаруви тизимига асосланган ҳолда қўйидаги демократик жараёнлар муаммоларини ҳал этамиз.

Биринчидан, сиёсий-ижтимоий ривожланишнинг демократик объектив қонунлари биздаги жараёнларнинг ўзига хос ва ўзига мос хусусиятлари билан уйғунлашган ҳолда содир бўлмоқда. Айрим мамлакатларда эса ривожланишда инқилобий ўзгаришлар кўп учрайди. Мард ва матонатли халқимиз эса мулоҳазакор, “етти ўлчаб, бир кес” қабилида иш тутайди, бу эса халқимиз менталитетидан келиб чиқади.

Иккинчидан, ўз руҳияти ва ҳуқуқий онг тараққиётига кўра, халқимизнинг аниқликка ва

маърифатга иштиёқи баланд. Натижада маданият ривож ва ҳўжалик юритиши, савдо-сотиқнинг ҳозирги жаҳон андозалари талаблари даражасида тикланиши, айнқиса, Ипак йўли ривожига муҳим аҳамият касб этади.

Учинчидан, миллий давлатчиликнинг демократик жараёнлари инсонга хизмат қилар экан, албатта, инсоннинг эҳтиёжи, манфаати, қобилиятидан келиб чиқиши керак. Яъни узоқ йиллар давомида тўпланган тажриба, шунингдек, жаҳон тажрибалари халқимизнинг интеллект — инсон капитали ҳисобига олинган ҳолда амалга оширилмоқда.

Тўртинчидан, янги Ўзбекистонда жамоатчилик фикри жамоавий нуктаи назар асосида ривожланмоқда. Маҳалла ва овулларда оқсоқоллар, бир томондан, ҳурматли кишилар бўлиб, тўхтамга келишда уларнинг фикри билан ҳисоблашилади. Иккинчи томондан эса шунга мос равишда ҳукумат вакилларига ҳам алоҳида ҳурмат билан қаралади. Бу қўрқув ёки қарамлик эмас, балки раҳбарлар ҳамда улуғ кишиларга бўлган ишонч ва ҳурматдир.

Дарвоқе, Қўрьонни қаримда ҳам раҳбарлар фикри фарзидир, яъни бажариш ижобий ҳолда зарурлиги қайд қилинган. Анъанавийлик ва замонавийликнинг шундай манбаи мавжудки, қайси давлат ва унинг раҳбари халқини чин дилдан эъзозласа ҳамда рози қила бурса, тараққиётнинг энг зарур таянч нуктаси топилган бўлади. Янги Ўзбекистон стратегиясида **“маҳалла — жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўғинига айланиши”** айтилиб, унинг тактик ва стратегик йўллари белгилан берилган. Бунда миллий давлатчиликнинг демократик жараёнлари қўйидагича таъриф қилинди.

Биринчидан, Ўзбекистон жамиятидаги жамоавий устуворликнинг табиати фалсафий-тарихий чуқур илдишларга эга ва жамоатчилик назорати тизимида алоҳида ижтимоий мувозаанат яратилиш зарурлигига асосланади. Маҳалла институтлари сақланиб қолинган ҳамда жамоавийлик қадриятлари давом этмоқда. Унинг туб бурилиш йилларида ижтимоий ҳаётга таъсири жуда каттадир.



Бешинчидан, демократик жамиятни барпо этишнинг халқро тамойиллари, дунё ҳамжамияти эътирофи этган йўриқлари мавжуд. Бу бевосита фуқаронинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалаш ҳуқуқига эгалиги, озчиликнинг кўпчиликка бўйсунуши, барча фуқароларнинг миллати, элати, ижтимоий келиб чиқиши ва диний эътиқодидан қатъи назар, тенг ҳуқуқлилиги, давлат ва жамият бошқарувида қонун устуворлиги, сайлов ва сайланиш ҳуқуқи ва бошқалардир. Бироқ муайян мамлакатда демократияни жорий этишда фақат шунинг ўзи қифо қиладими? Йўқ. Чунки ҳар бир халқнинг ўз турмуш ва тафаккур тарзи, тарихий анъаналари, ҳаётга муносабати ва бошқа жиҳатларидан келиб чиқиб, демократияга ёндашиш усули бор.

Миллий давлатчиликнинг демократик тамойилларини янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш тўғрисида кўп гапирамиз. Бироқ амалиётда маънавий, сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ даражада тайёр эмаслигимиз сабабли баъзи узлишлар рўй бераётгани сезилиб туради. Аслида, демократия, бу — “объектив воқелик”. У бор ёки йўқ! Бир тизимдан бошқасига ўтаётганда уни йўриқномалар бериш услуби билан дарҳол қўриб бўлмайди. Бироқ барқарор демократик жамиятнинг қарор топиши учун зарур ижтимоий-иқтисодий ислохотларни ҳаётга татбиқ қилишга қодир қучли миллий давлат лозимлигини тушуниб етдик. Чунки гап давлатнинг демократик жараёнлари ҳақида бормоқда.

Албатта, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий ҳаётдаги эркинликларни босқичма-босқич кенгайтириб боришни муайян даражада демократлаштириш, деб тушуниш мумкин. Аммо собиқ маъмурий-буйруқбозлик тизуими сарқитларининг узоқ давр мобайнида сезиларли даражада таъсир қилишини ҳам инкор этиб бўлмайди. Ҳар бир нарсани унинг моҳиятидан келиб чиқиб, ўз номи билан мардонавор айтиш айна Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий сифатларидан биридир.

Президентнинг Ўзбекистон мустақиллигининг 30 йиллигига бағишланган тантанасида: “Мамлакатимизда олиб борилаётган жадал ва кенг қўламли демократик ислохотлар юртимизда янги даврни — янги Ўзбекистон даврини бошлаб берди”, деган гапи моҳиятан ҳам мақсадга мувофиқдир. Дарвоқе, буни парламент ва жамоатчилик ҳамда хорижлик вакилларимиз сўзлари мисолида ҳам қўриш мумкин. Буюк Британиянинг прогностлаштириш ва консўльтация хизматларини кўрсатувчи “Economist Intelligence Unit” компанияси томонидан ҳар йили дунё мамлакатларидаги ҳаёт сифати индекси аниқланади. Унинг методологияси етакчи ўринда инсон саломатлиги туради. Бундан англашиладики, ҳаёт сифати, аввало, тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлиги билан чамбарчас боғлиқ.

Ҳар қандай сиёсий вазифа сиёсатчи зиммасига режадагиларни амалга ошириш иродаси ва лаёқатидан иборат бўлган жавобгарликни юқлайди. Раҳбар ўзини “демократ”, мамлакатини эса “демократия ороли”, деб айтиши мумкин, бироқ шу билан бирга, унинг мамлакатида очлик, қашшоқлик, тартибсизлик, турли томонга ташланишлар ҳукмрон бўлиши ҳам ҳеч гап эмас! МДҲнинг баъзи мамлакатларидаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар бунга ёрқин мисол бўла олади. Таъкидлаш кераки, ХХI асрда мамлакатларнинг арзон популизм ва демократия ниқоби остидаги уйинлари эмас, балки зурурий ғоядан воқеликка айланган ҳақиқий демократик, очик адолатли жамият томон қўйган шахдам қадамлари, бу борада қўлга киритилган ютуқлари билан янги Ўзбекистон танлаган йўл демократик тамойиллар мазмунини ташкил этади.

Насл-насаби тоза халқмиз, томиримизда не-не тамаддулар бешигини тейратган буюк даҳолар, олим уламолар, Ватан учун ҳатто жонидан кечган фидойи инсонлар қони оқаётгани Учинчи Ўйғониш даврининг таянч устунларидир. Уларнинг ноёб асарлари биз учун бебаҳо мерос, эзгу амаллари ҳар биримиз учун ибратдир.

Президентимизнинг “Бизнинг томирларимизда ана шундай улуғ боболаримизнинг қони оқар экан, уларнинг муносиб ворислари бўлиш, улар каби юксак мақсадлар сари интилиб яшаш барчамизнинг эзгу бурчимиздир.

Бугун биз давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этган ҳолда, мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратилиш йўлида қатта қадамлар қўймоқдамиз. Бу борада юртимизда мутлақо янгилаш шакли ва мазмундаги Президент мактаблари, ижод ва ихтисослашган мактаблар тизими яратилганини таъкидлаш лозим. Ушбу мактабларда таълим олаётган қўлаб қўқувчилар нуфузли халқро таълимларда юқори натижаларни қўлга киритмоқдалар”, дегани, Учинчи Ренессанс учун шароит яратиш ҳақидаги қимматли ғоялари бежиз ифода қилинмаганига гувоҳ бўлди.

Аммо ҳамма ҳам янги шароитларга тезкорлик билан мослаша олмайдди. Баъзилар содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар шиддатига шунчаки улгура олмаслиги мумкин. Бундай шароитда тараққиётни чуқур англамаган ҳолда янгиларни қўлаб даражада танқид қилиш юзага келади. Одатий турмуш тарзини ўзгартиришни истаманлар баъзан ўзгаришларни инкор этишнинг афзал кўради. Айрим музоимларнинг бепарволиги ёки жадал тараққиётга бардош беролмаслиги мамлакатда кечяётган демократик ислохотларни шубҳа остига қўйиш учун яхшигина сабаб бўлиши мумкин. Айтайлик, амалдаги стратегия ташқи ва ички сиёсатда ривожланишнинг янги “драйвер”ларини фаол равишда ишлаб чиқиш ҳамда улардан фойдаланишга қаратилган мутлақо прагматик йўлдир!


Президентимизнинг “Халқ давлат идоралари-га эмас, давлат идоралари халқга хизмат қилиши керак”, “Одамлар бой бўлса, давлат ҳам бой бўлади”, “Юртдошларимиз ўз ҳаётидан бугун рози бўлиб яшашлари зарур”, деган даъватлари ижтимоий ҳаётдаги маънавий бўшлиқларни тўлдирди. Янги Ўзбекистоннинг янги ойдин ва равон қадамлари унинг муъжизавий маъно-моҳиятини белгилаб берди. Конфудцийнинг қуйидаги фикри ғоят қимматлидир: “Умрида йиқилмаган киши буюк эмас, неча бор йиқилган, аммо ўрнидан шайх бўлиб туриб, ўзига ишонч билан олдинга интилиш одам буюқдир”. У ана шундай дейди: “Йўлга мақсадсиз чиққан инсон, шубҳасиз, фалокатга йўлиқади”. Биз бутун ўтган йўлимизни, эришган ютуқларимизни, йўл қўйган хато-камчиликларимизни ҳолис баҳолаб, уларни қайта тақрорлашмаслик тадоригини қўриб, аниқ мақсад билан олдинга интилимоқдамиз.

Ҳозирги глобаллашув даврида эришилаётган ютуқлардан орқада қолмаслик, янги технологияларни эгаллаб, уни ишлаб чиқаришга киритиш учун изланиш, янги-янги ихтиролар қилишга қодир бўлиш Янги Ўзбекистон стратегиясининг муҳим йўналишларини ташкил этади. Ўзлигини англаган халқ мустақилликка, ўз тақдирига, фарзандларининг келажигига истикбол қўзи билан қарайди. Жаҳонда ўзига хос ўринга эга бўлаётган янги Ўзбекистон шундай миллий демократик йўлдан бормоқда.

МУНОСАБАТ

ТУРКИЙ МУШТАРАКЛИККА АСОСЛАНГАН САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

Жорий йилнинг октябрь ойида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови халқимизнинг Шавкат Мирзиёевга бўлган юксак ишончини яққол кўрсатди. Бу, аynиқса, юртдошларимиз, мамлакатимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва элат вакилларининг ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатдаги ислохотлардан мамнун эканлигида акс этмоқда.



Ахмед ҲАЙТОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
Спикери ўринбосари

Олиб борилаётган очиқ ва прагматик ташқи сиёсат, давлатимиз раҳбарининг ўзаро муносабатларни мустаҳкамлашга қаратилган ташаббуслари самарасида узоқ-яқиндаги давлатлар билан мустаҳкам сиёсий ва иқтисодий алоқалар йўлга қўйилди, халқаро ҳамкорлиқнинг янги йўналишлари ва механизмлари татбиқ этилмоқда. Президентимизнинг шу йилнинг 12 ноябрь кuni Истанбул шаҳрида бўлиб ўтган Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг саккизинчи саммитидаги иштироки ана шундай мақсадларга қаратилгани билан аҳамиятlidir.

Зеро, йиғилишда савдо, инвестициялар, “яшил” иқтисодиёт, рақамли технологиялар, транспорт ва коммуникациялар, таълим ва маданият соҳаларидаги кўп қиррали муносабатларни ҳар томонлама кенгайтириш ва мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилиб, 10 дан ортиқ ҳужжат имзоланди. Туркий Кенгаш номининг “Туркий давлатлар ташкилоти” деб ўзгартрилиши ҳамда ташкилотнинг биринчи саммитининг келгуси йилда Ўзбекистонда ўтказилиши муҳим қарорлардан бири бўлди.

Тузилманинг ташкилот сифатида иш олиб бориши унинг фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиб, халқаро майдондаги ўрни ва нуфузини янада оширади. Боиси, Туркий давлатлар ташкилоти — эндиликда, нуфузли халқаро тузилма ҳамдир. Рақамларга тўхталадиган бўлсак, Туркий тилли давлатларда яшовчи аҳоли сони 150 миллион кишидан ошади, ташкилотга аъзо давлатларнинг ҳудуди эса қарийб 4 миллион квадрат километрни ташкил этади. Бу ташкилот ҳам аҳоли сони, ҳам салоҳияти ва аҳамияти бўйича Евроосиё марказидаги йирик тузилма эканидан далолат.

Туркий давлатлар ташкилоти табиийки, ўз олдига катта вазифаларни мақсад қилиб қўйган. Улар жумласига қардош мамлакатлар ўртасидаги ишонч ва алоқаларни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий, энергетика, сайёҳлик, транспорт ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш, минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш бўйича сайёҳаракатларни мувофиқлаштириш қабилар ҳам қиради.

Туркий халқлар ўртасидаги яқин ришталарга нафақат маданиятлар муштараклиги, тил ва қадриятлар ўхшашлиги, балки йўлга қўйилган савдо алоқалари, ҳамкорлик ва ўзаро ташрифлар билан ҳам асос солинган. Давлатимиз раҳбари саммитдаги нутқида ташкилот доирасида савдо алоқаларининг кенгайиши учун қулай ва жозибадор шaroитлар яратиш билан боғлиқ қатор концептуал тақлифларни билдирди. Улардан бири учинчи давлатларнинг маҳсулотларини ташкилотга аъзо мамлакатларда ишлаб чиқариш мумкин бўлган товарлар ҳисобидан қоплашдек долзарб вазифани ҳал қилиш билан боғлиқ. Кейинги вазифа сифатида Хитойдан Европага мамлакатларимиз ҳудудлари орқали ўтган трансконтинентал транспорт йўлакларини янада ривожлантириш

ва янгиликларини очиш лозимлиги таъкидланди.

Президентимизнинг қўшилган қиймат занжирларини яратиш ва рақобатбардорлик тамойилларига асосланган қўшма лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш орқали ишлаб чиқариш кооперациясини қўллайтириш бўйича белгилаб берган вазифасини алоҳида таъкидлаш жоиз. Зотан, давлатимиз раҳбарининг “Туркий дунё туризми” ва “Табаррук зиёрат” каби сайёҳлик лойиҳаларини амалга оширишга оид тақлифлари барча давлатлар тадбиркорларининг манфаатларига мос келади.

Учрашувда Президентимиз қўшни Афғонистон мавзусига ҳам тўхталиб, ҳозирги мураккаб вазиятда ушбу мамлакатнинг гуманитар инқирозга тушиб, халқаро майдонда яққаланиб қолишига, террорчилар маконига айланишига йўл қўймаслик ниятда долзарблигини, мамлакатнинг янги Ҳукумати билан мулоқотларда ёндашувларимиз умумий ва яқдил бўлиши лозимлигини билдирди.

Саммитда туркий дунё бирдамлигини мустаҳкамлашда катта ҳисса қўшган буюк мутафаккир ва давлат арбоби Алишер Навоий номидagi халқаро муқофотни таъсис қилиш тўғрисидаги қарорнинг қабул қилиниши эса мамлакатимиз фаоллари ва аҳолисининг юксак эътиборига сазовор бўлди.

Бинобарин, Туркий дунёнинг буюк вакиллари умумбашарий маданият ва цивилизация тараққиётига улкан ҳисса қўшган. Яқинда Истанбул шаҳрида қайта таъмирланган муҳташам Отатурк маданият марказида Туркий дунёнинг улў аллоамалари сиймолари ёд этилгани диққатга сазовордир. Ташкилотга аъзо барча мамлакатлар фондларида ана шу бебаҳо мерос асраб-авайлаб сақланипти. Хусусан, Ўзбекистонда ҳам муштарак тарихимиз ва маданиятимизга оид 200 мингга яқин ноёб қўлёзмапар мавжуд.

Шу жиҳатдан Президентимиз ана шу нодир асарларни биргаликда ўрганиш, таржима қилиш, уларнинг ягона электрон базасини яратиш, бу соҳага рақамли технологияларни жорий этиш мақсадида “Туркий тилли давлатларнинг тарихий, илмий ва маданий меросини ўрганиш

тадқиқот маркази”ни ташкил этишни тақлиф қилди. Ушбу марказ қардош халқларимизнинг бебаҳо меросини келгуси авлодлар ва дунё аҳлига етказишга муҳим ҳисса қўшади.



Яна бир жиҳат, бугун ёш авлоднинг халқларимиз ҳаёти ва тақдирдаги, ўзаро муносабатларимиз ривожидagi ўрни тобора ортиб бормоқда. Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, креатив ғоя ва лойиҳаларини рағбатлантириш, миллий қадриятларимизга ёт бўлган таъсирлардан асраб-авайлаш барчамизнинг асосий вазифаларимиздан биридир.

Шу боис ҳам, давлатимиз раҳбари нутқида келажагимиз эгалари бўлган йигит-қизларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилган долзарб ташаббуслар илгари сурилди. Жумладан, бу борадаги сайёҳаракатларимизни бирлаштириш мақсадида 2022 йилни Туркий дунёда “Ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш йили”, деб эълон қилишни тақлиф этгани тўғри ва ниятда оқилона қарор бўлди.

Бир сўз билан айтганда, Президентимиз томонидан илгари сурилган ташаббуслар нафақат халқларимизни иқтисодий, транспорт-логистика ҳамда халқаро тараққиётнинг бошқа йўналишларида, балки маънавий жиҳатдан ҳам жипслашишга қорлаш баробарда, ҳаётимизда том маънода ижобий тарихий бурилиш ясади.

Ҳозирги вақтда дунёда юз бераётган шиддатли жараёнлар, турли таҳдид ва хатарлар, пандемия синовлари, озиқ-овқат хавфсизлиги, иқлим ўзгариши ва экология билан боғлиқ муаммолар ташкилотга аъзо давлатлар олдига янги долзарб вазифаларни қўймоқда. Бу жараёнда Ўзбекистоннинг Туркий тилли давлатлар ташкилотидagi иштироки халқимизнинг туб манфаатларига жавоб беради.

ҒУРУР



МУҚАДДАСДИР ВАТАН БАЙРОҒИ!

Мухтасар ТОЖИМАМАНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

▶ Бошланиш 1-бетда

Байроқ — давлат рамзи, куч-қудрати ифодаси, шу давлат фуқароларининг эса тенгсиз ва фараҳбахш маънавий-эстетик бойлиги саналади. Эътироф этиш жоизки, байроқ давлат рамзларидан бири сифатида жаҳон миқёсида қанчалик расмий нуфуз ва миллий аҳамият касб этса, мамлакатда яшаётган элнинг ишончу ифтихорини намоён қилишда шунчалик халқона салоҳиятга эга. Бошқача айтганда, шу юрт фарзандлари шу байроқ остида бирлашадилар, илм-фан ва спорт олимпиадаларида, халқаро мусобақаларда мунтазам равишда бўлиб ўтадиган мurosасиз беллашувларда иштирок этар эканлар, миллий байроқдан маънавий-руҳий қувват оладилар, ғалаба қозonganларида эса, Ватан байроғини баланд кўтардилар. Дунёда бундан ортиқ шараф борми!

— Қайси бир кураш майдонига шайланмай, аввало, юртимиз байроғи кўз ўнгимдан ўтади, — дейди “Токио-2020” Олимпия уйинлари олтин медали соҳиби Баҳодир Жалолов. — Байроғимизнинг ҳамма юксакларда хилпираб туриши биз ёшларнинг сайёҳаракати ва интилишига боғлиқ эканини унутмайлик. Шу боис, кураш майдонларига мардонавор кириб борамиз, номуs ва шаън учун боримизни берамиз.

Шунингдек, миллий байроғимиз халқаро миnбарларда давлат раҳбарининг ташрифидан хабар бериши, ҳарбийлар ўртасида бўлиб ўтган турли беллашувларда қадимий ва мағрур юртимиз тимсоли сифатида йигитларимизни юксак ғалабаларга илҳомлантириши қайд этилди. Альпинистларимиз дунёнинг энг баланд чўққиси — Эверестга миллий байроғимизни тикишга муяссар бўлгани эса ҳар биримизга гурур бағишлайди.

Бугунги кунда жаҳоннинг турли қитъа-минтақаларида, БМТ ва бошқа кўплаб нуфузли халқаро идора-муассасаларда, шунингдек, мамлакатимизнинг барча шаҳар-кентлари марказларида, давлат идораларининг кўркем ва мухташам бинолари пештоқларида Ўзбекистон Республикаси байроғи денгиздай мавжланиб, хуррият насимларига ҳамоҳанг бўлиб боради.

ЎЗБЕКИСТОН – РОССИЯ МЕДИА ФОРУМИ

▶ Бошланиш 1-бетда

Мазкур ўзгаришлар матбуот соҳасида ҳам яққол кўзга ташланаётгани, айниқса, журналистлар, умуман ижод аҳлига эътибор қўчайгани, Президент фармони билан Тошкентда Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ташкил этилгани таъкидланди.

— Ҳозирги тезкор замонда ахборотга бўлган эҳтиёж сезиларли равишда ошди, — деди Россия Федерацияси Рақамли ривожланиш, алоқалар ва оммавий коммуникациялар вазирининг ўринбосари Бэлла Черкесова. — Бундай шaroитда хабарнинг долзарблиги ва ишончлилиги жуда муҳим. Шу маънода ноҳилис ва ёлғон маълумот тарқатишига қарши курашиш соҳа вакиллари олдидagi муҳим масала ҳисобланади.

Анжуман доирасида медиа соҳаси вакиллари сессияларга бўлиниб “Журналистика, оммавий коммуникациялар ва ахборот технологиялари соҳасида малакали кадрлар тайёрлашда замонавий ёндашувлар”, “Оммавий ахборот воситаларини рақамлаштириш шaroитида журналистик таълим: касбий ваколатлар ва қадриятлар”, “Журналистлар малакасини оширишда Ўзбекистон ва Россия ҳамкорлиги истиқболлари” мавзуларида фикр алмашдилар.

хилпираб турибди. Бу гўзал манзара курган кўзларни мафтун, кўнгилларни эса бахтиёр этади.

Миллий давлатчилигимиз уч минг йиллик тарихни қамраб оладиган бўлса, ўтган асрлар давомида музаффар ота-боболаримиз ўнлаб салтанатлар тузиб, ғалабалари тимсоли сифатида байроқларини юксак кўтарганлар. Ўзбекистон байроғида ўша ўтмиш рамзлари уйғунлашган, муҳассамлашган, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Байроғимиз ўзида бутун Ўзбекистон халқининг асрий оруз-истаклари, ғайрати ва шижоатини, халқимизга хос меҳмондўстлиқни муҳассам этган. Миллий байроғимизнинг турли байрам ва тантаналарда, мамлакатимиз вакиллари қатнашаётган халқаро миқёсдаги сиёсий, маданий-маърифий тадбирларда, нуфузли спорт мусобақаларида Ватанимизнинг шаъни, халқимизнинг гурурини ёрқин акс эттириши барчамизга ифтихор бахш этади.



Ўзбекистон давлат байроғи қабул қилинганнинг 30 йиллиги муносабати билан юртимизда яна қатор тадбирлар ташкил этилди. 15-25 ноябрь кунлари “Ўзбекистон”, “Хилтон” меҳмонхоналари, “Хумо Арена” ва ҳудудлардаги замонавий чироқлар ёрдамида давлат байроғи тасвири акс эттирилади. Шунингдек, юртимизнинг барча ҳудудларида “Муқаддасдир Ватан байроғи!” шиори остида маънавий-маърифий, адабий-бадий тадбирлар ўтказилади.

Бугун биз янги Ўзбекистонни барпо этишдек эзгу мақсадларимизга эришишда, ҳеч шубҳасиз, миллий байроғимиз остида бирлашамиз. Унинг самоларда мавжланиб хилпираши элдошларимизни, айниқса, илм-фан сирларини пухта эгаллаётган порлоқ келажагимиз эгалари бўлган ёшларимизни биз кўзлаган мухташам манзил — учинчи Ренессанс пойдеворини бунёд этишга қорлаб туриши, шубҳасиз.



ЁШЛАР — УЧИНЧИ РЕНЕССАНС БУНЁДКОРЛАРИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ УЧУН МУҲИМ ИХТИРО ҲАМ ИҚТИСОДИЁТГА, ҲАМ ЭКОЛОГИЯГА ФОЙДА КЕЛТИРАДИ

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг иккинчи босқич таянч докторанти, “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги аълочилиси” кўкрак нишонини соҳиби Эъзоз Озодов ёш, иқтидорли, тиришқок, изланувчан олимлардан.

Эндигина 26 баҳорни қаршилаган олим кўп йиллик изланишлардан сўнг “Defusel” деб номланган стартап лойиҳа муаллифига айланди. Мазкур ихтиро қишлоқ хўжалиги учун ўта муҳимлиги билан эътиборга молик. Ёш олим ясаган ускуна қишлоқ хўжалигида сув тозалаш тизимларида қўллашга мўлжалланган.

Ёш ихтирочи Инновацион ривожланиш вазирлиги ташкил этган “Ёш олим: илмий ғоялар” қўриқ-танловида ўз лойиҳаси билан иштирок этиб, ғолиблар сафидан ўрин олди. Шу



орқали у ишлаб чиқариш прототипини яратишга буюртма олди.

— Ускунани ишлаб чиқиш ғояси талабалиқнинг илк йилларида уйғонган, — дейди Эъзоз Озодов. — Бир кунги курсдошларимиз билан юртимизнинг олис қишлоқларига борганмиз. Қишлоқ аҳоли учун сув шунчаки ичимлик эмас, балки ҳаёт учун бундан-да муҳим ресурсдир. Гап шундаки, улар етиштирадиган қишлоқ хўжалиги маҳ-

сулотларининг ҳосилдорлиги, ундан тушадиган даромад кўп жиҳатдан сувнинг сифатига боғлиқ. Афсуски, айрим ҳудудларда сувнинг шўрланганлик даражаси юқори бўлгани сабабли қишлоқ хўжалигида қўллашга яроқсиз бўлиб қолмоқда. Ушанда сув манбаининг шўрланганлик даражаси қандай бўлишидан қатъи назар, уни филтёрлаб, сўғориш меъёrlарига мослайдиган технология яратиш ғояси туғилди. Институтнинг магистратура босқичида ўқиётган пайтимда ана шундай ускунани яратишга киришдим. Институтдаги устозларим — профессор Раъно Ғозиева ва доцент Азиз Усмонов ғоям рўёбга чиқишига кўмаклашди. Ускунанинг дастлабки прототипи фақатгина 300 миллилитр сувни тозалашга мўлжалланган эди. Олдин элементлардан ташкил топган аксарият деталларни Хитойдан буюртма асосида келтириб, ўзимиз ясадик. Хомаки нусхада ўтказилган тажрибалар мазкур технологиянинг самарали эканини исботлади.

Ускуна иккита асосий қисмдан — беш босқичли механик филтёр ҳамда бошқарув блокидан иборат. У минимал юкланиш орқали сувни тозалаб беради. Фойдаланувчи ускунанинг фақатгина тугмасини босиш ёки мобиль алоқа воситаси ёрдамида СМС хабар юбориш орқали жараёнини ишга туширади, қолган барча ишни унинг ўзи бошқаради.

— Ускунамиз сув танқис ҳудудларда сифати сўғориш меъёрига тўғри келмайдиган сувни тозалаб, ишла-тишга яроқли ҳолатга келтиради, бу орқали тупроқ шўрланишини, қолаверса, кимёвий ўғитларга эҳтиёжни камайтириш имконини беради, — дейди ёш ихтирочи. — Асосий мақсад ҳар қандай сувдан унумли фойдаланиш, фермерларнинг ортиқча сарф-харажатларини камайтириш, пировардида ҳосилдорлиқни оширишдан иборат.



Ускуна, асосан, қишлоқ хўжалигида, кластерларда экинларни сўғориш жараёнида, дренаж тизимида қўллашга мўлжалланган. Шунингдек, юқори даражада шўрланган сув манбаларидан аҳоли пунктларида ичимлик сув олиш учун ҳам фойдаланиш мумкин.

— Шу йил 19 октябрь кунини Президентимиз пойтахтимизнинг Талабалар шаҳарчасида барпо этилган Инновацион ўқув ва ишлаб чиқариш технопарки очилиш маросимида қатнашганда резидентлар қаторида мен ҳам бор эдим, — дейди Э.Озодов. — Ускунам тақдимиётдан сўнг Президентимиз ўзини қизқитирган саволлар берди, хусусан, унинг таннархи, имкониятлари ҳамда амалиётга жорий қилиш бўйича истиқболдаги режаларимиз билан қизиқди. Давлатимиз раҳбари билан кўришиш, унинг олдида тақдимот қилиш жуда ҳаяжонли бўлди. Ҳатто илмий раҳбаримни таниши, исм-шарифини ўзи айтиб, у ҳақида сўрагани мен учун қутимлаган ҳол бўлди. Президентимиз лойиҳага омад тилади. Ушбу учрашувдан ўзимга жуда катта мотивация олдим.

Айни кунларда ускуна Бухоро вилоятидаги “Холов Акмал” фермер хўжалигида синовдан ўтмоқда. Ёш ихтирочи “Defusel” стартап лойиҳасини тўлиқ тижоратлаштириш ҳамда уни бошқа мамлакатларга экспорт қилишни ўз олдига мақсад қилган.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДАН — ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ САРИ

Мамлакатимизда барча соҳалардаги ўзгариш ва ислохотлар ягона мақсадга — Ўзбекистон халқи, айниқса, ёшларимиз учун муносиб турмуш шароити яратиш, одамларнинг даромади ва фаровонлигини ошириш, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўзининг интеллектуал, касб ва маънавий салоҳиятини рўёбга чиқариши учун зарур имкониятлар яратиб беришга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир.

ХАЛҚ МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ

Рауаж ОТАРБОВЕВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюммаси аъзоси, шоир

Мамлакатимиз раҳбари томонидан илгари сурилиб, юксак инсоний, халқчил ғояларни ўзида мужассам этган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси бугун барча юртдошларимиз томонидан катта қизиқиш билан қарши олинмоқда. Ҳуқуқолиқ жамиятини ривожлантириш йўлида кечаётган ислохотлар иштирокчиси, маънавий тарғиботчиси ва ижодкор сифатида аниқ мақсадларга асосланган ушбу ҳужжатни қайта-қайта ўқияпман.

Яқин 4-5 йил ичида тўпланган тажрибалар, юртимизда яшовчи ҳар бир фуқароннинг тилак-истаги, “Инсон қадрли учун” деган улғу устувор ғоя барча ислохотларнинг бош мезони сифатида эътироф этилган ушбу дастуруламал ҳужжат бизнинг бахтли-саодатли, тинч ва фаровон, дўстлик ва биродарликка асосланган ҳаётимиз ёдуси ҳисобланади. Энг асосийси, ушбу ҳужжат сайлов жараёнида умумхалқ муҳокамасидан ўтди, халқимиз қўллаб-қувватлади, ундаги ҳар бир вазифани биргаликда амалга оширишга бел боғлади.



Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг ҳар бир йўналишида “инсон — жамият — давлат” деган янги тамоил ўз аксини топган. Эркин фуқаролик жамиятини ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш, инсон қадрли-қиммати ва унинг қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган кенг қўламли ислохотларимизни янги поғонага кўтариш юрт тақдирини ўз тақдири билан боғлай олган раҳбарлар, турли соҳа мутасаддиларидан изланиш ва ташаббускорлиқни талаб қилади.

Миллий иқтисодиётни, унинг ўсиш суръатларини замон талаблари даражасида ривожлантириш масаласи бугун аҳоли фаровонлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан бирига айланган. Халқ манфаати йўлида, ўз оиласи ва маҳалласи ободлиги учун куну тун изланаётган тadbиркорларимиз, кластерларимиз, фермер-деҳқонларимиз юксак маррани олиб, унга эришиш йўлида илмга таянган ҳолда ҳаракат қилса, албатта, барча ниятларимизга эришамиз. Бунинг учун барча

соҳаларда илм бизга маёқ вазифасини ўташи даркор.

Адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капитални ривожлантиришнинг энг муҳим омили ҳисобланган сифатли таълим-тарбия масаласи янги тараққиёт йўлимизни белгилловчи муҳим омиллардан ҳисобланади. Мана шунинг учун ҳам соғлом ва баркамол, илмий авлодни тарбиялаш, уларга богчадан, мактаб остонасидан эътиборини кучайтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилимоқда.

Президент мактаблари, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар янги Ўзбекистонимизнинг янги истиқболли кадрларини етказиб берувчи даргоҳлардир. Мана шу юксак вазифани сидқидилдан бажарадиган соҳа вакиллари — ўқитувчи ва шифокорларга биз сўз юритаётган муҳим ҳужжатда ўз аксини топган эътибор ва ғамхўрлик ниҳоятда салмоқли. 2025 йилга бориб, олий тоифали ўқитувчининг маошини 1 минг долларга етказиш чоралари қўрилиши, келгуси беш йилда олий тоифали шифокор маоши шунчага етиши мўлжалланаётгани сўзимиз исботидир. “Янги Ўзбекистон — маърифатли жамият” концепциясини амалга ошириш орқали юртимизда илм-маърифат, адабиёт ва маданиятга эътиборни кучайтириш жамиятда соғлом муҳит қоронишига хизмат қилади.

Бебаҳо бойлигимиз саналган тинчлик-тотувликни таъминлаш, дунё халқлари билан очик ва дўстона сиёсат юритиш янги тараққиёт стратегиямизнинг муҳим ғояларидан биридир. Хулоса қилиб айтидиган бўлсак, бор билим ва тажрибамиз, Яратган ато этган истеъдодимиз, ғайрат ва шижоатимиз, қайноқ қалбимиз билан янги Ўзбекистон тараққиёти йўлида барчамиз камарбаста бўлишимиз керак.

НУҚТАИ НАЗАР

ТУРКИЙ ДУНЁ МАЪНАВИЙ ҲАЁТИДАГИ БЕҚИЁС ҲОДИСА

Бахтиёр АБДУШУКУРОВ,
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Ўзбек филологияси факультети декани, филология фанлари доктори, профессор

Ўзбекистоннинг Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашига қўшилиши ташкилотнинг мавқеини ошириш билан бирга, унинг фаолиятига жиддий тўртки бергани бугун исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Зеро, Ўзбекистоннинг ташкилотга аъзо бўлиши табиий ва тарихий жараёнлар ифодаси эди.



рақамли технологияларни жорий этиш мақсадида Туркий тилли давлатларнинг тарихий, илмий ва маданий меросини ўрганиш тадқиқот марказини ташкил этишни тақдир қилди.

Энг эътиборлиси, Президентимизнинг бу ташаббуси олимларимиз учун ҳам кенг имкониятлар эшигини очади. Зеро, бу марказ ташкил этилса, туркий дунёда қўлэмаларни ўрганиш, уларни биргаликда таҳлил ва тадқиқ қилиш, кенг оммага етказиш жараёнлари янада жадаллашади. Бу эса, маънавий ҳаётимизни янада бойитишга хизмат қилади.

Умумий тил ва муштарак кадрлар бирлиги асосида шаклланган Туркий кенгаш доирасидаги бундай муҳим ташаббуслар умумий кадрларимиз ва турли соҳалардаги ҳамкорлик алоқалари янада кенгайишни таъминлашига шубҳа йўқ.

БАҒРИКЕНГЛИК

Баҳодир ЖОВЛИЕВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси Матбуот котиби

ТОТУВЛИК ВА ФАРОВОНЛИК ГАРОВИ

Юртимизда ўзаро ҳамжиҳатлик, дўстлик ва иноқлик ҳамisha қадрлаб келинади. Зеро, нафақат оилалар балки, мамлакатлар орасидаги яқин ҳамкорлик ва дўстона муносабатлар ҳар қандай нифоққа чек қўяди. Муштарак мақсадлар эса элни, юртни тараққиётга, фаровонликка бошлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқида, Ўзбекистоннинг энг улкан бойлиги — турли миллат ва элатлар, диний конфессиялар вакиллари ўртасидаги тинчлик ва барқарорлик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатликда, деб таъкидлаганлари бежиз эмас. Бинобарин, янги уйғониш — учинчи Ренессанс даврига пойдевор қўяётган халқимиз мамлакатдаги тинчлик ва фаровонлиқнинг қадрини бебаҳо деб билади. Зеро, яқин-узқ минтақалардаги нотинчлик ва ўзаро адоват олови қанчадан-қанча инсонлар ҳаётини таҳликага солиб тургани маълум.

Ўзбекистон халқаро ислом академиясида бўлиб ўтган “Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик — жамият барқарорлиги гарови” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция шу маънода кенг жамоатчилик эътиборини тортиди. Конференция Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси, Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон Республикаси

Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси ҳамда Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Конференцияда таниқли олимлар, тадқиқотчилар, соҳа вакиллари, турли диний конфессия вакиллари, хорижий нуфузли меҳмонлар иштирок этди.

Офлайн ва онлайн тарзда ташкил этилган тadbирни Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раисининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон халқаро ислом академияси ректори Музаффар Комилов олиб борди. — Буюк ипак йўли чорраҳасида бўлган Ўзбекистон қадимдан турли цивилизация ва маданиятлар ўзаро муносабатга киришган табаруқ юрт ҳисобланади, — деди Ўзбекистон Республикаси Бош вазирли ўринбосари, Туризм ва спорт вазирли Азиз Абдуҳакимов. — Бу дийрда ёнма-ён яшаган турли халқлар, маданият ва динлар вакиллари айланиб дўстлик, яхши кўшнчилик муносабатлари минтақамизнинг маданий ривожига муҳим омили бўлган. Бу анъана бугун ҳам давом этиб, турли миллат ва элат вакиллари мушаккил Ўзбекистон тараққиёти йўлида бир мушт бўлиб ҳаракат қилаётгани кўпчилик учун ибратдир.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси раиси Рустамбек Қўрбонов юртимизда миллатлараро ва конфессиялараро тотувлик, тинчлик ва барқарорлиқни сақлаш йўлида олиб борилаётган самарали ислохотларга алоҳида тўхтади.

— Миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик таъминланган кўп миллатли мамлакатимизда турли халқларнинг маданият ва урф-одатларига



ҳамиша ҳурмат билан қаралади, — деди у жумладан. — Бугунги кунда юртимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар марказида, аввало, инсон манфаати, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш устувор аҳамиятга эга. Президентимиз 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида жамиятда миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлашга қаратилган ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишни қайд этиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг резолюцияси билан ҳар йили 30 июлни — Халқаро дўстлик куни сифатида кенг нишонлаш, мазкур санани юртимизда “Халқлар дўстлиги куни” деб белгилашни тақдир этгани амалий ишлар самарасидир.

Бугунги кунда юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат, 16 та диний конфессия вакиллари аҳолиноқликда яшаб келмоқда. Уларнинг ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлаш, таълим олиш, касб-хунар эгаллаш, миллатига хос анъана ҳамда қадриятларини ҳурмат қилиш учун барча зарур шароитлар яратилган.

— Сўнгги йилларда мамлакатимизда барча соҳа ва тармоқлар қатори диний-маърифий жаҳада, хусусан, турли диний конфессия вакиллари ўртасида ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатлик ришталарини янада мустаҳкамлаш борасида жиддий ва салмоқли қадамлар ташланди, — деди Дин ишлари бўйича қўмита раиси Содиқ Тўшбоев. — Айниқса, халқаро диний эркинликлар соҳасидаги экспертлар, соҳа мутахассислари мамлакатимизга таширфи чоғида диний эркинлиқни таъминлаш, амалдаги нормаларни соддалаштириш, радика-

лизмга қарши курашиш, шунингдек, жаҳолатга қарши маърифат борасидаги амалий ишларга юқори баҳо бериб келмоқда.

Президентимиз томонидан мазкур йўналишда илгари сурилаётган ташаббуслар Ўзбекистоннинг янги қиёфасини жаҳон ҳамжамиятига намоян этмоқда. Айниқса, 2018 йил 12 декабрда БМТ Бош Ассамблеясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев тақлифи билан “Маърифат ва диний бағрикенглик” махсус резолюциясининг 193 та мамлакат томонидан яқдллик билан қабул қилинган катта аҳамиятга эга бўлди.

Тadbирда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори Пьер фон Аркс эса, юртимизда диний бағрикенгликни таъминлаш масаласи ҳар қачонгидан-да устувор масала сифатида қўрилаётганини эътироф этди.

— Ўтган йиллар давомида Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари соҳасида катта ўзгаришлар, турли динлар, конфессиялар, диний бағрикенглик бўйича конструктив мулоқот йўлга қўйилганига гувоҳ бўлдим, — деди ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори Пьер фон Аркс. — Миллатлараро муносабатлар, турли конфессиялар ўртасидаги мулоқот ва ўзаро ҳурмат биз учун муҳим аҳамиятга эга. Бу борада Дин ишлари бўйича қўмита, Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси фаолияти муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ЕХХТ томонидан доимо қўллаб-қувватланмоқда. Ўзбекистоннинг бу борадаги ўзига хос тажрибасини инобатга олиб, юртингизда турли миллат

ва элатлар, диний конфессиялар ўртасидаги ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш йўлида олиб бораётган ишларингизни олқишлаймиз.

Анжуманда “Жамиятда миллатлараро тотувликни таъминлашда Ўзбекистон тажрибаси”, “Миллатлараро ва динлараро дўстлиқни таъминлашда исломнинг ўрни”, “Марказий Осиё халқлари маънавий меросида миллатлараро бағрикенглик масалалари”, “Диний бағрикенглик — давлат ва жамият барқарорлиги гарови”, “Марказий Осиё халқларининг муштарак бағрикенглик тамойиллари”, “Ёшларни маънавий-ахлоқий баркамол этиб тарбиялашда миллий маданий марказларнинг ўрни” каби мавзулардаги маърузалар тингланди.

— Бугунги кунда дунёнинг қўллаб-қувватлаш содири бўлаётган миллий ва диний шаклдаги низо ва зиддиятлар жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солмай қўймайди, албатта, — деди Ўзбекистон халқаро ислом академияси проректори Зоҳиджон Исломов. — Мана шундай шароитда янги Ўзбекистонда ҳукм сураётган тинчлик ва фаровонлик, миллатлараро тотувлик, ўзаро ҳурмат муносабатини сақлаш муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Она Ватанимиз азалдан қадимий динлар ривож топган макон сифатида дунё цивилизацияси тарихида алоҳида мавқега эга. Тарихга назар солсак, Ўзбекистон ҳудудида турли маданият, урф-одат, турмуш тарзи эга халқлар яшаганига гувоҳ бўламиз. Қўлай географик мавзилда жойлашгани сабаб қўллаб-қувватлаш билан маданий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий алоқалар олиб борган. Қувонарлики, бугун юртимиз диний бағрикенгликни таъминлаш борасида бутун дунёга намуна бўлмоқда.

Тadbирда Рус православ церкви Тошкент ва Ўзбекистон епархияси раҳбари митрополит Викентий Морарь ҳамда Рим-католик маркази раҳбари епископ Ежи Мацулевич ҳам сўзга чиқиб, юртимиздаги диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик қадриятга айланганини таъкидлади.

— 2021-2022 йилларда Тошкент епархияси юбилей санасини нишонлайди, — деди Рус православ церкви Тошкент ва Ўзбекистон епархияси раҳбари митрополит Викентий Морарь. — 150 йилдан бери ёнма-ён яшаб келаётган халқларимиз доимо бир-бирининг хурсандчилигига шерик бўлади. Ўзаро ишонч, ижобий муносабатлар, ҳамкорлик алоқаларининг бу ёрқин намунаси қўллаб-қувватлаш муҳим вазифа бўлиб олади. Мазкур йиллар давомида диний ва миллий низолар содири бўлмаган мамлакатимиз раҳбариятининг оқилона сиёсати туфайлидир.

Қизгин ўтган конференция қатнашчилари томонидан турли дунёда яшаётган барча миллат ва элат вакиллари яхлит ҳолда Ўзбекистон халқини ташкил этиши, улар бир-бири билан ҳамжиҳат бўлиб, юртимиз равнақи йўлида сидқидилдан меҳнат қилаётганликлари таъкидланди. Юксак тараққиётга миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик, тинчлик-осойишталикни янада мустаҳкамлаш орқали етиш мумкинлиги қайд этилди.





КЎНГИЛ МИНТАҚАСИ

Сўз оловида ЁНГАН ҚАБОҲАТ

Аҳмад ОТАБОВЕВ,
мунаққид ва таржимон

Дунё халқлари адабий асарлар орқали бир-бирининг ўзига хос миллий хусусиятлари, қадриятлари, идеаллари билан танишади. Шу боис, бундай алоқаларни “олтин кўприк”ка менгзашади. Ўзбек-рус адабий алоқалари, агар рус адабиётидан қилинган илк таржималар назарда тутилса, қарийб икки асрлик тарихга эга. Бугун ана шу кутлуғ анъаналар янада изчил ва маҳобатли тус олмоқда. Юз жилдлик “Рус адабиёти дурдоналари” туркумининг қисқа муддатда қарийб олтмиш жилди она тилимизда наشر этилгани ва ушбу жараён кизгин давом этаётгани фикримизга далилدير.

Бу чинданам улкан маданий ҳодиса. Чунки шу пайтгача бирор-бир қардош ёки чет эл адабиётлари наشري бундай кенг миқёсда қамраб олинмаган. Мазкур лойиҳа XIX-XX асрлар рус адабиёти дурдона асарлари билан ўзбек ўқувчиси таништиради.

Тил билан — эл билади, дейди халқимиз. Таржимонларнинг захматли меҳнати туфайли юзага чиқаётган “Рус адабиёти дурдоналари” халқларимиз ўртасидаги маданий-маънавий ҳамкорлик ришталарини янада мустаҳкамлайди, она тилимизнинг сержилло, бой имкониятларини намойён этади.

Айни пайтда “Жаҳон адабиёти дурдоналари”, “Туркий халқлар адабиёти дурдоналари” ва “Қорақалпоқ дурдоналари” кўп томликлари наشري устида иш олиб борилаётганини таъкидлаш жоиз.

Қўлида атоқли рус шоири Андрей Вознесенскийнинг “Рус адабиёти дурдоналари” туркуми 53-жилдига жамланган энг сара асарлари ҳақида сўз юритилади.

“Жаҳон адабиёти” журналининг жорий йилги апрель-май сонларида атоқли рус шоири Андрей Вознесенскийнинг “Хандак” (“Ров”) достони таржимаси босилиб чиқди. Достонни Ўзбекистон халқ шоири Сирожиiddин Саййид таржима қилган. Орадан кўп ўтмай А. Вознесенскийнинг “Товуш сояси” деб номланган китоби ҳам чоп этилди. Унда жамланган шеърлар, достонлар ва “Насрий қофиялар” таржимаси ҳам С. Саййид қаламига мансуб. Биз “Хандак” достони ва унинг таржимаси ҳақида сўз юритмоқчи эдик, бироқ китоб мундарижасини қисқача изоҳлаб ўтиш жоиз кўринди.

Гапни таржимоннинг китобда “сўзбоши ўрнида” берилган “Асил дунё бўлган “аксидунёлар” номли икромномасидан бошлашак дуруст бўлади, деб ўйладик. Негаки, бунинг ўзи бир асар, достондай ўқилади. Қахрамонлари — шоир Вознесенский, мутаржимнинг ўзи, азим шахарлар, Переделкино, “Есенин шеърининг барг ёзган сатри”дай “навниҳол қайин”, “осмондай сокин” ҳовуз — таржимоннинг рус шоиридан ва унинг шеърятини ҳайратларидан тўйган икромлари кўркам тимсопларда поэтик ифодаланган. Буларнинг барчаси уйғунликда ўқувчини поэзиянинг сурурли осмони сари кўтарди. XX аср жаҳон шеърятини Вознесенский воқеаси билан танишишга руҳан тайёрлайди, энг муҳими, биз ижоди билан танишишга жазм этган шоирнинг асл қиёфасини кўраимиз. Таржимоннинг бирида икром бўлиб, бирида истиғфор қилиб айтганларидан мақсад ҳам шудир, эҳтимол: мана Вознесенский — ўқинг, айранг, изтироб чекинг, қайғуринг, унинг осмонида парвоз қилинг ва руҳиятингизда, қайфиятингизда рўй берадиган эврилишлар кутлуғ бўлсин!

“Товуш сояси” китоби Вознесенский адабий мероси ҳақида кенг тасаввур беради: туркум шеърлар, “Мангу ризқ”, “Хандак” достонлари, “Насрий қофиялар” фаслида берилган “Лорка


лопалари”, “Сеҳр кўтби” ва “Ўн тўрт ёшда эдим” бадиалари шоирнинг шахси, ижоди сарчашмалари, адабий-эстетик қарашлари, ўз даврига муносабати ҳақида бой таассурот уйғотади. Шоир китобларидан танлаб-саралаб олинган иқтибослар таржимон эътироф этганидек, “Шоирлик аталмиш буюк бир қисмат нафас олиб турган тирик ҳикматлар”дир. Ҳикматлардан мисол: “Шеър — ёзилмайди, рўй беради. Худди воқеа мисол, ҳис-туйғу каби, кун ботиши янглиғ шеър ҳам содир бўлмоғи керак”; “Шеърят зарралари бизнинг беазмун тирикчилигимизга маъно ва мантиқ бағишлайди”. Ушбу ҳикматларда шоирнинг ижод стихияси ва шеърятнинг кишилик жамиятидаги ўрни, аҳамияти таъкидланган. Китоб таржимоннинг “Икки аср — бир ҳаёт” номли сўнгсўзи билан якун топган.

Мундарижа пишиқ-пухта, китобнинг боши, охири бор, сайланма талабига жавоб беради. Вознесенский мураккаб шоир. Унинг поэзияси инсон қалби кечинмаларидек тез ўзгаришчан, беқарор, оҳанг мисрама-мисра турлиб келади, шунчаки ўқиганда уқиб бўлмайди, урғу тушган сўзлар алоҳида диққатни талаб қилади, шоирнинг ўз услубигагина хос янги сўз ясаш, янгича сўз қурилиши аниқ мақсадларга йўналтирилган. Мақсад анланмасга, Вознесенскийни ўқиб бефойда. Шеърларида тез-тез учрайдиган янгича сўзлар шоирнинг айнан ижод жараёнидаги кашфиётларидек таассурот қолдиради. Сўзлар ана шу жараёнга хос рухий-психологик вазиятни ифодалайди. Ўрни билан янгидан ясалган бир сўз бутун бир ижтимоий қатламнинг таърифини беради. Шоир сўзларни қўшиб ноодатий бирикмалар ҳосил қилади ва бу ҳолат-вазиятни, мақсад-мазмунни кескин, очиқ-ошкора, таъсирили ифодалашга хизмат қилади. Сўзлар (шоир таъбирича “қахрамонлар”) жаранги, сўзлар даъвати, қаҳри ва нафрати шоир асарлари поэтикасининг етакчи хусусиятларидан. Мана, “Ров” (“Хандак”) достонидан бир мисол:

**Я всю мерзость собрал
на страницы, как врач,
чтобы сжечь тебя алчь.
Разве рукописи не горят?
Еще как полыхают!
Вечны авторы, говорят.
Еще как подыхают.
Ляг, созданные, в костёр Сокоотиной горы.
Алчь, гори!
Все четыре героя в меня глядят —
Ров, Алчь, Речь, Взгляд.**

Шоир беморга ташхис қўяётган дўхтир сингари қабоҳатни қоғозга тизаётир, мақсад — “алчь”, яъни ҳирсни ёқиб юбориш. У оловнинг тозартирувчи кучига ишонади ва шу ишонч билан қабоҳатга сўз оловида ўт қўяди. “Қўлэмалар ёнмайди” деган ҳикматни истеҳзо билан “Қўлэмалар ёнмас нахот?” дея рад қилади, “буюклар барҳаёт” деган қарашни ҳам инкор этиб, “Йўқ, хор бўлиб ўлғайлар” дея ҳаётнинг шафқатсиз ҳақиқатини эътироф этади. Бундай кескин инкор — қофияланган (врач-алчь, полыхают-подыхают) сўзлардаги қаҳрли оҳангнинг ундов, сўрок аломатларини янада кучайтиради. “Тўрт қахрамон” — Хандак, Ҳирс, Сўз ва Кўз достон таркибини — шеърый, насрий парчаларни бошдан охиригача боғлаб туради; бунда назм наср билан, замон ўтмиш билан, ривоят реал воқеа билан алмашиб-қоришиб келади; турли хабар, фактлар, маълумот, ҳужжатлар маънавий-ахлоқий жиноятлар: ўтмиш — бугун — эртанги кун қабоҳатлари бадий таҳлилга тортилади...

Хуллас, Вознесенский ижодига хос метаморфозлар, экспериментларнинг барчаси назарда тутилса, таржимон қанчалик қийин ишни зиммасига олганини тасаввур қилиш мумкин.



Таржимон таърифлаганидек, Вознесенскийнинг “энг муқаммал китобларидан бири — “Хандак”. Достонга реал воқеа асос қилиб олинган: 1941 йилнинг декабрида фашистлар Симферопол шаҳри яқинида ўн икки минг кишини отиб ўлдириб, танкка қарши қазилган хандаққа кўмиб ташлайди. 1980 йилларнинг ўрталарида бир тўда ҳирс бандалари хандақни қовлаб, мархумларнинг бош суякларини мажақлаб, қоплама олтин тишларини омбур билан сўғуриб “бойлик орттиришди”... Бу ишни уларнинг “тап тортмай намоийшқорона қилганлари”га гувоҳ бўлган, сочлар, сарғиш қоқиллар, шилиниб қолган бош териси, бош чаноқлари уюмини ўз кўзи билан кўрган шоир бонг уради, бу кўргуликка одамларнинг бепарволигидан даҳшатга тушади, ҳайқиради: “Қайга, қаёнга элтаялсан, хандак?”.

“Достонни у бир ромдай ўраб турсин, шеърлар ўқувчини чалғитмасин учун, ўқувчи “ялтироқ ташбеҳларга” маҳлиё бўлмасдан, факт ва ҳодиса ваҳшатини онгига жойласин деган ниятда, атай айнан шу тарзда ёзгим келди”, дейди Вознесенский. “Шу тарзда” дейилгани — бу мутлақо бошқача тарз: асар “Маънавий жараён” — адабиётда йўқ жанрда ёзилган, достон анъанага зид тарзда “Сўнгсўз” билан бошланган, яхлит оҳангга қурилмаган, мунгли мусика — гоҳ паст, гоҳида кўтаринки оҳангда ва бу ўзига хосликлар шоирнинг ижод стихияси, ижод жараёнидаги руҳий ҳолати, фикри, тафаккури ҳаракати билан изоҳланади. Таржимон ишга ушбу жиҳатларни илғаб, тушуниб киришгани туфайли мураккаб асарни қайта яратишга муваффақ бўлган. Шу боис, “Хандак”ни С. Саййиднинг таржима доирасидаги ўз ижоди намунаси, дейиш мумкин.

“Товуш сояси” китобидаги “Асил дунё бўлган аксидунёлар” (Андрей Вознесенский. Йиллари, китоблари ва ўзи билан суҳбатлар), “Икки аср — бир ҳаёт” мақолалари таржимоннинг “Хандак” муаллифи дунёқарашини, шахсини, феъл-атворини яхши билишидан далолат беради. Бу эса, таржимада асар муаллифи услубига йўл топишда, аслият тилининг миллий ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олишда ёрдам берган. Бу, айниқса, стилистик воситаларни ўрнида қўллаш, ургули ва урғу тушмаган сўзларни фарқлаш, сўз ва ибораларнинг ўрин алмашини, кўчиб юриши, тилиш белгиларига аҳамият беришдек реалистик таржима талабларини сақлашда қўл келган. Бир мисол:

**Темиркосовдай ориқ
Ҳамлет каллаларни тупроқдан олиб
Олтин қопламаларни сўғуради,**

тинмайди,

**Қуртдан фарқ қилар одам.
Қуртлар олтин емайди.**

**На хотира, на ҳасрат
Қайга элпасан, хандақ?**

Бу — руҳлар қабристонни,

уво! жонлар уюми?

**Саҳро бўйлаб ёприлар
паспортларнинг куюни.**

**Ҳеч ким гул келтирмади,
бирок бунга куюниб.**

Одатда, муваффақиятли чиққан таржимани “аниқ таржима” деб таърифлашади. Аслида таржимада аниқликка эришиш қийин иш: қофияланиш тартибини, мисралар сони ва улардаги сўзлар ўрнини сақлаш, ритми, мисралар орасидаги паузани бера олиш керак. “Хандак”нинг аслияти ва таржимасидан бир мисол:

**Спрыгнул в яму я. Тень
Обняла меня. День
был вереху. Череп я увидал.
Я по рыхлой земле
сделал шаг в угол, к мгле
и почувствовал страшный удар...**

Таржимаси:

**Ўрага сакрадим мен. Қўланка
Мени қучоқлади йўлакда.
Тепада ёруг кун. Бунда бир калла,
Говак тупроқ узра шу палла
Қоронғи бурчакка юрганам замон
даҳшатли зарбани сездим ногаҳон...**

Мисолдан кўринадики, аниқ таржима шартларига риоя қилган таржимон биринчи галда шеърый нутқ тартибини сақлаган ҳолда воқеа ва ҳолатнинг достон муаллифи услубига хос бадий ифода маромини юзага чиқара олган. Бу, албатта, унинг ютуғи.

Аммо юқоридаги мисолда кўрилганидек, мисралар сони, қофияланиш тартиби, сўзларнинг мисраларда аслиятдагидек ўз ўрнида келиши — аниқ таржима усули ҳар доим ҳам муваффақиятли чиқавермайди. (Юқоридаги мисол бундан мустасно.) Шу маънода, таржимада шеърый мисраларда сўзларнинг ўрин алмашиб келиши, аслиятдаги айрим сўзларнинг айнан муқобилини ишлатишдан воз кечилиши, таржимон ўзидан сўз қўлиши бир қарашда аниқликдан чекинишдай туюлиши мумкин. Аслида-чи?

**— Что тебе? — говорят.
— Новый взгляд!**

Таржимаси:

**— Бунда сенга нима бор?
— сўрашди жонсарак.
— Бошқача бир кўз керак!**

Аслиятда йўқ “сўрашди жонсарак” ибораси вазият, ҳолатни тўқисроқ ифодалаб келаётир. Урғу берилаётган, таъкидланган “Новый взгляд!”нинг асл ўзбекча, ҳам мазмунан, ҳам шаклан энг маъқул муқобили топилган — “Бошқача бир кўз керак!” Негаки, бу ўринда аниқликка эришиш иштиёқида “янгича нигоҳ”, “янгича қараш”, “янгича назар” каби иборалар қўлланганида мисра хира тортарди. Кўпинча шеърый асарлар таржимасида семантик аниқлиқни, фразеологик муқобиллиқни, мос оҳангни таъминлашга зўр берилади ва бунга эришилади ҳам, бироқ шеърый асарнинг бош хусусияти — поэзияси йўқолиб қолади. Юқоридаги мисолдан кўринадики, “Хандак” таржимони таржимада достон поэзиясини беришни маъқул топган ва бу ишни уddалаган. Қолаверса, “Бошқача бир кўз керак!” — “бошқача кўз билан қараб кўр”, “синчилаб қара”, “манг-лайингда кўзинг борми” каби соф ўзбекча иборалар сирасидан.

“Одатда, муваффақиятли чиққан таржимани “аниқ таржима” деб таърифлашади. Аслида таржимада аниқликка эришиш қийин иш: қофияланиш тартибини, мисралар сони ва улардаги сўзлар ўрнини сақлаш, ритми, мисралар орасидаги паузани бера олиш керак.

“Хандак” таржимасида мутаржим аслиятни кашф этишда энг муҳим унсурлар — сўз ва ибораларни тўри бергани, грамматик шаклларни, стилистик усулларни, умумий ритм ва оҳангни сақлашда зарур ҳисобланган мусиқий воситаларни меъёрига етказиб қўллаганини тасдиқлайдиган мисоллар етарли. Буларнинг барчасини назарда тутган ҳолда, “Товуш сояси” китоби, хусусан, “Хандак” достони таржимаси ўзбек китобхонини улкан рус шоири адабий мероси билан муносиб тарзда таништирганини таъкидлаш ўринли.

Таржимада кўзга ташланган айрим камчиликлар достоннинг етакчи хусусиятларидан бири, яъни рус шоирининг индивидуал услуби билан бўғлиқ янгича сўз ва иборалар талқинида кузатилади. Мана, бир мисол:

Аслиятда ўқиймиз:

**Сын твой дохнет от поп-арта,
Жена копит арт-нуово.
Твой шофер грешит поп-алчью,
Тебе почит алчь-нуово.**

Таржимада:

**Ўғлинг ақлдан озар
Поп-арт деган нагмадан.
Хотининг ақл эмас,
Латта-путта жамгарар.
Ҳайдовчинг ҳам гуноҳкор —
Нафси унинг тўймайди.
Янеича ҳирс сени ҳам
Кемиради, қўймайди.**

Аслиятнинг тўрт мисраси саккиз мисрага ортган. Аслият мазмунини сақланган, бироқ батафсилликка, кўпсўзликка йўл қўйилган. Юқоридаги парчадан бироз олдин келган, достоннинг “Ҳирс. Аввалги муқаддима” қисмида ўқиймиз: “Бугунги кунда ҳирсни оммавий “поп-арт” деб декадент руҳидаги “арт-нуово”га ўхшатган ҳолда икки гуруҳ “поп-хирс” ҳамда “хирс-нуово” (яъни баднафслиқнинг энг янги кўриниши)га ажратиш мумкин”. Эҳтимол, таржимон достондаги ушбу изоҳни етарли, таржимада “арт-нуово”, “поп-алчь”, “алч-нуово”ни айнан беришга ҳожат йўқ, деган фикрга боргандир. Такрор айтамиз, юқорида аслиятдан келтирилган парча таржимада мазмунан тўғри ифодасини топган. Бироқ нега Вознесенский, таржимон ишлатгани каби оддий сўз, ибораларни қўлламаган? Янгича сўз-иборалар ясаган? Бунинг сабаби, назаримизда, шоир услубига, бутун достонга хос бўлган шиддатли ритми, уқтирувчи оҳангни, қатъий таъкидланган қабоҳат манзарасининг драматик талқинини сақлаш билан бўғлиқ. Таржимада мана шу жиҳат — аслиятдаги таранглик етишмайди. “Илмий-техник асрнинг маънавий жараёнлари “янги роман”, “янги кино” тушунчаларини, шунингдек, “янги ўғри” психологиясини вужудга келтирди” (“Хандак”). Вознесенский айнан шу — “янги ўғри” психологиясини тасвирлаш мақсадида қабоҳатнинг бугунги “сифат белгилари” — “арт-нуово”, “поп-алчь”, “алч-нуово”ни кашф этган, қўллаган. Достондаги бундай янгича сўз ва бирикмалар таржимада акс этганда нафақат мазмун, балки шоир услубига хос кескин оҳанг, қаҳрли таъкид сақланган бўларди. Вознесенский шу тарзда ўтмишдан келаётган қабоҳатнинг мудҳиш қиёфаси ҳозир қандай кўриниш олаётганини, қабоҳат силсиласини янгича сўз ва ибораларда ургулайди.

Бугунги ўзбек таржимачилиги, гарчи бу ишда қўлидан келадиқанлардан кўра қўлидан келмайдиқанлар “фаоллик” кўрсатаётган бўлса-да, таъриф-таъсифга арзигulik натижаларга эга. “Хандак” достони ана шундай натижалар сирасидан.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташиқлот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонпар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашир индекси — 236. Буюртма — 3727.

76042 нуқсадда босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Оффсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоиси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона маъзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Гулсум Шодиева
Мусахҳис: Малохат Минғобоева
Дизайнер: Зафар Рузиев

Манзилими:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Ўза Якуни — 21:45 Топирилди — 23:45